

111  
Р-15

Ги

УЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
ЖУМХУРИЯТ МЕТОДИКА ХОНАСИ

ИСХОК РАЖАБОВ

МАНОНДОСЛАР

(Үрта ва олай ўқув юртлари учун методик қўлланма

ГОШКНТ — 1992

УЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
ЖУМҲУРИЯТ МЕТОДИКА ХОНАСИ.

ИСЛОҚ РАЖАБОВ

МАҚОМ АСОСЛАРИ.

/урта ва олий уқув юрлари учун методик қулланма/

25986



Маъсул мұхаррир:-

Тошкент давлат консерваториясининг доценти,  
санъатшунослик номзоди Равшан Юнусов.

Нашрга тайёрловчи ва мусиқа мұхаррири:-

Ўзбекистон маданият вазирилиги Жумхурият методика хонаси  
методисти Ботир Матеқубов.

Нашр учун маъсул:-

Ўзбекистон маданият вазирилиги Жумхурият методика хонаси  
катта методисти Зоида Толипова.



### СҮЗБОШИ.

Ўзбек халқининг бой, узига хос, күпкетлам ва серуслуб мусиқа меросини тұплаш, ҳужжатлаштириш, унинг илмий-назарий асосларини үрганиш ҳамда амалий, ижодий үзлаштириш борасыда утган ярим асрдан зиёдров өткізу мобайнида улкан ютуқлар құлға киритилди. Кейинги йилларда үлжамизды бу ишларни изчил давом эттириш билан бир қаторда ёш авлодни бу жабхалардан мұнтазам равишда воқиғ қылғыс бориши, тингловчиларнинг талаб ва әхтиёжини янада тұлароқ қондиришга қаратылған маъсул вазифалар құндаланғ булио туриоди. Бу үринде аввало маданият ва санъат үқув үртларидан жағон халқлары мусиқа санъатининг адабиети ва тарихини пухта үргатиши, айниқса ўзбек миллий ва маҳаллий бадиии аңтаналарни муфассал үзлаштириш, мусиқий-назарий қонунияттарни чуқурорқ идрек эттириш каби мұхым масалалар ҳамон долзарб ахамият касб этилоқда.

Күзланған мақсадларга әришмоқ учун бир қанча янги тадбир-чораларни амалға ошириш лозимдир. Бинобарин, ўзбек халқы мусиқа меросининг түрли қатламларига - росмана халқ мусиқасы, достончилик, мақомчилик, үтмиш ва замонавий бастакорлық ижодиётігін бағышланған маҳсус үқув фанларни жорий этиш, уз навбатида уларни янгиланған үқув дастурлары, құлланмалар, дарсلىклар билан таъминлаб бориши шулар жүмласидандыр.

Тағдим этилаётган үқув құлланманинг муаллифи - Ўзбекистон мусиқа маданиятининг атоқлы арообларидан бири, иирик олим, мөхір созанда, жонкуяр устоз, санъатшунослик доктори Асқоқ Рахабов /1927 - 1982/ асоған урта асрлар Шарқ мусиқий-назарий мероси, шунингдек ўзбек халқ мусиқасы, айниқса мақом ижодиётининг энг обурыли ойлымдоти сиратида тан олинған. Унинг IX - XVIII асрларда битилған үнлаб мусиқа рисолалари изасидан олио борған кенг күламли тадиқотлары, 1968 йилда чоп этилған "Мақомлар масаласига доир" номді китоби ҳамда 1971 йилда өқіланған "Мақомлар" мавзудағы докторлық диссертацияси үшбу ута мұраккаға соқаларнинг өртилиш ишига салмоқты қисса булиб қүшилди. Натижада бир қанча илгари мавқум ба мұаммоми булаган масалалар үз ечинин топиб, мақомстнинг узун тарихи ва талайгина қонун-қоидалари ойдинлашды. Бу тадиқотлар туралы мақомшунослик фаны қаддани ростлади, кейинги изланишлерге ҳам сарқарор замин иратиды.

Алж бор нашр эттирилаётган үстоз Асқоқ Рахабов қаламига мансуб "Мақом ассоғлары" илмий-үқув рисоласы 70 чи йилларнинг

Урталаридан ёзилган. Ўша көзлари муаллиф Тошкент давлат консерваториясининг шарқ мусиқаси кафедрасида профессор лавозимида муаллимлик қилиб, булажак созанды ва хонандаларга "Мақом асослари" фанидан сабоқ берарди. У талабалар ва ёш муаллимларнинг маҳсус ўқув адабиётга бўлган эҳтиёжини қисман қондириш мақсадида ушбу қўллэзмани тез орада лекциябоп қилиб тайёрлаб берган. Ўнинг мағбилимгоҳнинг ўзида фойдаланиш учун 1978 йилда саноқли нусхада кўпайтирилди, бироқ, афсуски, расмий нашр эттириш масаласи ошиқлигича қолди ...

"Мақом асослари" Йсҳоқ Ражабовнинг сўнги илмий ишларидан бўлиб, ниҳоятда муҳим ва зарур вазифани амалга оширишга қаратилгандир. Ўнда кўхна ва ҳамиша навқирон мақом санъатига доир қисқача тарихий маълумотлар берилио, асосий урин мақом турларини шарҳлашга, Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Тошкент - Фарғона мақом йўлларининг мусиқий таҳлилига ажратилган. Ушбу ўқув қўлланманинг беқиёс қиймати шундаки, мусиқашуносликда биринчи бор Шашмақом мажмуасига кирган Бузрук, Рост, Наво, Дўгоҳ, Сагоҳ ва Йроқ мақомлари таркибидаги деярли барча чолғу ва ашула асарлари туркумли ҳолда ҳамда жонли ижро билан узвий боғлиқ даражада батағсил мусиқий таҳлил этилган.

Шуни ҳам алоҳида қайд қилиш жойиздирки, мазкур қўлланмада ёритилган мавзуларни муаллифнинг "Мақомлар масаласига доир", Ўнус Ражабийнинг олти жиҳдлик "Шашмақом", Матниёз Ҳусуповнинг уч жиҳдлик "Хоразм мақомлари" нота ёзуви нашрларига мурожаат қиласдан ҳамда "Шашмақом" номли пластинка ёзувлари тўпламидан фойдаланмасдан туриб ўзлаштириб олиш қийин. Йумладан, Шарқ ҳалилари мақом-чилигининг келиб чиқиши, "12 Мақом" мажмуаси, мақомларнинг лад уюшмалари, авж ва намуд масаласи, қолаверса мақомларнинг чолғу ва ашула ижроилигига тегишли қатор-қатор мавзулар муаллиф тамонидан атай-лаб қисқартирилиб берилган ва маъжуд адабиётга қаралсин деб уқтирилган.

И.Ражабов ўқувчига тушунарли булиши учун маҳсус атамаларнинг барчасини тор лугавий маъноларидан тортиб шеърият ва мусиқадаги тушунча доирасигача аниқ тасвирларини келтирган. Асар жиҳдий илмий-мусиқавий мавзу ва масалаларни ёритишга багишланган бўлса - да, у содда ва равон тилда баён этилиши билан ўқувчига қуляйлик түғдиради.

Турли ихтиосларни эгаллаётган мусиқачиларга, қолаверса жами мусиқа ихлосмандларига мақом хусусида билим, тушунча, дид ва савиляни ўстиришга, мақом санъати соҳасида чинакам саводхон

булио етишишга устознинг "Мақом асослари" рисоласи яқиндан кўмак берувчи қўлланма булио хизмат қилади деган умиддамиз.

Равшан Ўнусов  
санъатшунослик номзоди.

Мақом санъати күпчилик Шарқ халқлари мусиқа меросида мавжуд булиб, миллий мусиқанинг асосини ташкил этади. Мақомлар назарий ва амалий асосларга эга, зеро мазкур халқлар мусиқасининг устозона услугидаги намунасиdir. Мақомлар, хусусан үзбек ва тохик халқларининг өддий мулки бўлмиш бизгача етиб келган Шашмақом кўп асрлар давомида бу соҳада олиб борган ижодий изланишлари самарасидир. Устоз созандада ва хонандалар кейинги авлодларига кўз қорачигидай асрлаб бизгача етказиб келган мақом асарлари ҳозирги кунда нафосат дунёсидаги энг зўр, бекиёс қимматга эга бўлган мусиқа санъатимиз бойликлари сифатида чинақкам халқ мулкига айланди.

Мақомлар маълум тартибда яратилган туркумли мусиқий мажмуда булиб, бастакорлик ижодиётининг үзига хос сайдал берилган туриди. Мақомлар кенг маънода халқ мусиқаси қомусидир. Чунки уларда хусусан Шашмақомда үзбек ва тохик халқлари мусиқасига хос вазн хусусиятлари, садо – оҳанглар, доира усуллари, шеърият билан халқ ашула йулларининг боргланиш қоидаларига асосланган қатор жабҳалар уз тутақонли ифодасини топган. Шу сабабли, ҳозирда мақом масалаларини ўрганишга, мақом ижрочилигидаги услубларни аниқлаш ва узлаштириш ишига жиддий аҳамият берилмоқда.

Мақом нима? Мақом арабча "жой", үрин, макон", мусиқа тушунчасида эса чолғу асбобларида товуш ҳосил этиладига жой, яъни аслида парда маъносини билдиради. Мақом муайян пардадан бошланадиган лад – тоналликни, ҳамда уларга мос келадиган куй ва ашуалар мажмусини ҳам ифодалайди. "Ғиёсул – лугат" қомусининг муаллифи Ғиёсуддин утмиш олимларининг мулоҳазалари га таяниб, мақом иборасини қўйидагича таърифлайди: "Мақом – парда сурудро гўянд" – "Мақом деб куй ва ашуалар пардасига айтилади". Бу ерда куй ва ашуалар бошланадиган парда ҳамда улар ҳаракат этадиган лад товушкаторлари ҳисобга олинган албатта.

Мақомлар куйларнинг лад ҳамда тоналлик тушунчалари билан боғлиқ экан, уларнинг юзага келиш тарихи жуда қадим замонларга, мазкур касб өгалари тамонидан яратилган мусиқа асарлари пайдо бўлган даврларга бориб тақалади. Мақомлар ҳар бир халқнинг үзига хос мусиқа бойликлари заминида, атоқли созандада, хонанда ён бастакорлар ижодиёти туфайли узоқ тарихий – маданий тараққиёт жараённида юзага келган. Лекин, мақом атамаси Шарқ халқлари мусиқасида, тахминан ۱۰ асрлардан бошлаб ўзланила бошлаган. Чунки, ۱۳۱۱ – ۱۴ асрларда юнон олимлари, айниқса Ўклид/Евклид/

Арасту / Аристотель/ каби олимларнинг мусиқа назариясига баришланган асрлари араб тилига таржима қилинди, уларга шарҳлар ёзила бошланди. Мақомларнинг назарий масалалари қайта ишлаб чиқилди. Бундан араб ва бошқа Шарқ халқларида ۱۰ асргача мусиқа назарияси булмаган – деган хуласа чиқариш ярамайди. Иҳё бин Али Иҳё бин Аби Мансур / вафоти ۶۷۲/нинг, мусиқага доир асарида араб ва бошқа мусулмон Шарқи халқларида юнон мусиқа назарияси таъсир кўрсатмасдан анча бурун, ерли халқларининг ўз мусиқа назарияси мавжуд бўлгани ҳақида гапирилади. Лекин, Берунийнинг ёзиича, бошқа халқларда бўлгани каби, Ўрта Осиё халқларининг қадими ёзма оидалари араб истилоси даврида, босқинчилар тамонидан ёзиб, йўқотилиб юорилган эди. Шу сабабли, бевосита мусиқага доир маданий едгорликларимиз ҳам бизгача етиб келмаган.

Мусиқага доир ёски манбалардан маълумки, мақомларнинг тарихин – назарий ва амалий тамонлари бор. Уларнинг назарий масалалари ۱۰ – ۱۵ асрларда яшаб ижод этган ал – Киндий, ал – Ҳаробий, ал – Ҳоразмий, Абн – Сино, ал – Урмавий, ал – Шерозии, ал – марорий, жомий ва ал – Ҳусайний каби буюк олимларнинг рисолаларида чуқур илмий асосда шарҳлао берилган. Шуни қайд этил лозимки, мусиқа назарияси ҳамма Шарқ халқларида баъзи тағовутларни ҳисобга олмаганда деярли бир хил мазмунда бўлган. Алатто мақомлар, шўбалар номи ҳам ухшаш эди. Лекин, уларнинг мусиқий мазмуни ҳар бир халқнинг үзига хос бўлиб, бир – биридан туғдан Ҳарқ этган.

Утмишдаги мусиқий назарий рисолаларда Ўн икки мақом /Дувоздаҳ мақом/ мажиуаси ва унга кирган 24 шўъба ва олти овоза ҳақида мулоҳаза оритилади. Ҳозирда баъзи олимлар ўртасида муно-зарага сабаб бўлиб келган бир қанча масалалар бор. Масалан: Ўн икки мақом Ўрта Осиёда жорий бўлганми? Ёки унинг куй ва ашула йуллари бу ерда ижро этилганми? Ўн икки мақомнинг Шашмақомга қандай алоқаси бор? . . . ва ҳоказо.

Маълумки, Темур давридан бошлаб, то ۱۴۱۱ асргача яратилган мусиқа рисолаларида, адабий, тарихий ва бадиий манбаларда мақомлар устидаги ижодий иш олиб борган созандада – бастакорлар, улар яратган куй ва ашуалар номлари келтирилади, уларнинг қайси мақомга тегимли экани, доира усуллари ҳақида гапирилади. Мусиқа рисолаларида келтирилган ўн икки мақомларнинг пардалари,

I. Мақомларнинг утмиш мусиқа назарияси ҳақида қаралсин:  
Абдураҳиман Джами, "Трактат о Музике" Тошкент 1960;  
Ассоқ Ражабов "Мақомлар масаласига доир" Тошкент 1963.

олти мақомдаги шаклига деярли мос келади ёки улар жуда яқиндир.

ХҮІ - ХҮІІ аср олимларидан Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш - Али Чангий каби олимларнинг рисолаларида Бухоро хонлиги даврида жорий этилган Ўн икки мақом ва улар асосида куй ашуалалар басталаган санъаткорлар ҳақида гапирилади. Демак, бундан Ўн икки мақом Ўрта Осиёда ХҮІІ асрда ҳам кўлланилган, - деган фикирга келиш мумкин. Биз бир неча далилларга суюни Шашмақом тахминан ХҮІІІ аср Урталарида, ўзидан олдинги мақом ижодиёти анъаналари асосида узил - кесил шаклланганини исботлашга уриндик. Мақомларнинг дастлабки намуналари Шарқда ҳозиргидек нота ёзувлари булмагани учун бизгача етиб келмаган. Шўнинг учун, уларни эндиликда Шашмақом мусиқаси асосида тасаввур этишимиз мумкин.

Ўн икки мақомнинг Шашмақомга муносабати масаласига келсак, улардаги мақом ва шўбалар номи кўпинча бир хил. Бу эса Ўн икки мақомдаги айрим мақом ва шўбалар олти мақомга бирластирилиб, яхлит туркум, ҳолига келтирилганидан дарак беради. Шашмақом тарқибидаги Ўн икки мақомдаги номлар учрашини ҳисобга олиб, бу ерда Ўн икки мақом ва уларнинг шўбаларини санаб ўтамиш. Ўн икки мақом мажмуасига қўйидаги мақомлар, уларнинг маълум кўринишлари - овоза ва шўбалар киради: Уштоқ, Наво, Еуслиқ, Рост, Ҳусайнӣ, Ҳижозий, Роҳавий, Зангула, Ироқ, Исфаҳон, Зирафканд, Бузрук.

Овозлар: Наврӯз, Салмак, Гардфнийа, Гавашт, Мойа, Шаҳноз.

Ўн икки мақомнинг шўбалари қўйидагича аталади: Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ, Панкгоҳ, Ашийран, Баётӣ, Наврӯзи Араб, Наврӯзи Хоро, Наврӯзи Баётӣ, Ҳисор, Нуҳуфт, Уззол, Авж, Найриз, Мубаркаш, Ракб, Наврӯзи Сабо, Ҳумоён, Зовулий, Исфаҳонак ва Рӯйи Ироқ, Бастан Нигор, Ниҳованд, Ҳавзий, Мухайяр..

### ШАШМАҚОМ .

Шашмақом шакли бастакорлик санъатининг маҳсулидир. Бастакорлик анъаналари ҳам жуда қадимдан бошлаб давом этиб келмоқда. Темурийлар, айниқса Навоий даврида, кейинчалик ХҮІ - ХҮІІ асрларда бастакорлик санъати юқоак даражада булғанлиги қўлэзма ианъбалардан маълум.

Бастакор сузи тоҷикча булиб, боргловчи, басталовчи маъноси англашади. Ўтмишда састакорларнинг фаолияти турлича булган. Дастлаб улар мақомлар ва ҳалқ мусиқа асарлари асосида бастакор куй ва ашуалалар яратганлар. Йна, бастакорлар мақом пардалари көнгизида янги - янги Ӯллар, яратганлар, тайёр куйга янги пардалар киритиб, эки уни бошқа доира усулига тушибириб, ҳозибали

ва мукаммал ысарларни юзага келтирсанлар. Бинобарин, шеър матнларининг ашулага шаклан ҳамда мазмунан мослао туширилишига ҳам алоҳида аҳамият берганлар. Шашмақомдаги туркумларнинг юзага келитила бастакорлардаги бундай тъхриба алоҳида аҳамият касб этади. Баъзан шўбалар, масалан, Бузрук мақомидаги Талқини Уззол, Насри Уззол ва Уфари Уззол қисми оҳангдош ашуалалар булиб, фақат доира усули ва шеър улчовидангина фарқ этади. Шашмақом туркумлари кўпинча ашуаларнинг янгидан - янги вариантларини яратиш билан тақомиллаштирилали.

Шундай қилиб, Шашмақом ўтмишдаги бастакорлик анъаналарининг маҳсули сијатиди, мақомчиликдаги бой тажрибага асосланган ҳолда юзага келди. Кейинги икки асрдан кўпроқ, ўтган давр ичиди, бир созанде - хонандадан иккинчисига оғзаки тарзда ўтиб келити жараённида Шашмақом тобора жуда катта ўзгарилларга учради ва бизгача етиб келди. Бу нарса XIX асрда тузилган ва мақомларга атилган шеър тўпламларидаги мақом ва шўбалар номини, шеър улчовларини, ҳозирги мақом қисимлари билан солиширилса, яққол сезилади.

Шашмақом ўзбек ҳалқи мусиқа меросида жуда катта ўрин тутади. Шашмақом Ӯлларида миллии ва маҳаллий мусиқанинг бой оҳанглари, ваза Ҳусусиятлари, доира усуllibарни ва ашуалалар шеърларини мослаб тулира билиш қоидаларига борлиқ қатор томонлар муҳассамланган.

Ҳалқ мусиқа асарларининг қайси бирини олиб қараманг; улар у ёки бу мақом эки унинг шўъба пардаси, куй тузилиши, доира усулига жуда ухмаллигини билб олиб мумкин. Кейинги кузатишлар Шашмақом, ҳалқ мусиқа меросининг асосини ташкил этади дейишга икон беради. У 250 га яқин чоргу ва ашула Ӯлларини уз ичига одади. Улар асосида яратилган юзлаб ҳалқ куй ва ашула намуналари, сурнай Ӯллари ҳисобга олмиса, мақомларнинг ҳалқ мусиқасида тутган мавқеи нақадар баланд эканини яна бир бор билиб олиб мумкин.

Шашмақомга кирган олти мақомнинг ҳар бирига алоҳида тўхтатлиб ўтишдан аввал мақомларнинг тузилиш қоидалари ҳақида умумий тарзда тушунча берамиз.

Шашмақом тоҷикча олти мақом демақдир. Шашмақом таркибидағи Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, ва Ироқ мақомларининг ҳар бири иирик лақидаги туркумли асарлар булиб, 20 тадан 45 тагача катта ва кичик ҳажидаги мақом Ӯлларини уз ичига олади.

Ўтмишда мақомларнинг икро этилишида танбур ва доира етакчи

созлардан ҳисобланган. Мақом қисимлари туркум тарзида ёки якка куй ва ашулаштар тарзида якка навозанда хонанда ёки дасталар тамонидан ижроғтилган. Журнавозлик таркибида иккита танбур, битта дутор, битта қубуз ёки сато, доира ва бир неча ҳамнағас хонандалар булган. Куриниб турибиди, дастага ёлғиз торли асбоблар киритилган. Бизнингча танбурнинг етакчи соз деб қабул қилинишига ҳам маълум сабаб бор. У турли мақомларга мослаб созлашга қулаш булган. Мабодо ашулачининг овози кенг диапазонли мақом йулларига ета олмаса, уни бир - икки пардага паст қилиб созлаш мумкин эди. Олти мақомларга асбобларни созлашда ҳам танбур қандайдир улчовли соз булган. Бинобарин уни турли мақомларга мослаб созлаш мумкин. Шу сабабли олти мақомга танбур уч хил / квinta, квартада катта секунда / қилиб созланган ва Мезроби Рост, Мезроби Сегоҳ, ҳамда Мезроби Наво деб номланган.

Ҳозирда эса вазият бутунлай узгарди. Илгари мақом дасталарига киритилмаган чанг, най, құшнай, гижжак, қашқар рубоби сүнги йилларда эса уд, қонун каби созлар киритилиб, гуруҳ анча кенг-айтирилди, бинобарин мақом чолгу йулларининг оҳангдор, жозибали ижро этилиши учун янада бой имкониятлар яратилди. Мақомларнинг ҳар бири икки бўлимдан - чолғу ва ашула бўлимидан иборат.

### МУШКИЛОТ БЎЛИМИ.

Мақомларнинг чолғу бўлиmlарида бир хил ном билан аталадиган чолғу қисимлари бўлиб, уларнинг оҳанглари турлича бўлсада, доира усувлари бир хилдир. Улар Тасниф, Таржи, Гардун, Мухаммас ва бақил<sup>1</sup> номлари билан машҳурдир. Мақомларда номдош бўлмаган чолғу қисимлар ҳам учрайди. Масалан: Навода - Нагма Ораз, Дугоҳда - Пешрави Дугоҳ ва Самои Дугоҳ, Сегоҳда - Ҳафиғи Сегоҳ ва ҳоказо.<sup>2</sup>

Мақом чолғу йулларининг куй тузилиши мураккаб бўлсада, узининг ранг - баранглиги, оҳангдорлиги билан эшитувчини мафтун этади. Улар учун хос нарса шуки, ҳар бир чолғу қисм хона ва бозгўйлардан таркиб топган.

Хона - уй, булма, мусиқа ислоҳотида куйнинг узгарувчан ва ғаол ривожланувчи булагидир. Үнда куй оҳанглари узгариб, янгича услубда авжга тамон ҳаракатланиб боради ва бош пардага

1. Тасниф - синифланган, тартиблашган; Таржи - қайтарма, куй, нақорат; Гардун - ғалак, осмон гардиши; Мухаммас - бешлик, сеҳланган; Сақил - вазмин, сир, ва ҳоказо.

2. Нагма - мусиқий товуш; пешров - олдинда борувчи; Самоъ - тинглиз; Ҳафиғ - ғенгил.

қайтиб тушади. Хоналар туғанили куй мазмунан бойиб боради.

Бозгўй - тожик тилида - қайта айтиш, қалтариқ демакдир ва бу гузилма күннинг хоналаридан сўнг такорланади, бинобарин уларни тугалловчи вазифасини ҳам бажаради. Хоналар билан куй такомиллашади, мазмунан чуқурлашади ва боийди. Бозгўйлар эса, мусиқий фикирни яқунлаб, умумлаштириб беради. Мақом чолғу йулларида хоналарнинг такомиллашувида күпинча "Фешрав" дейилган куй қисмлари катта аҳамиятга молик. Фешрав тожикча - олдинга юрувчи, олдинга ҳаракат этувчи, деган маънени англатади. Улар хоналарнинг куй ҳаракатида турли оаландликлаётча оир неча бор такорланади ва бозгўига уланиб кетади. Фешравлар килига кутаринки руҳ бахш этади.

Мақомларнинг чолғу йуллари, баъзи сабабларга кўра, узоқ вақт ижро этилмасдан келди. Масалан, Ўзбекистон радиоси ҳузуридаги мақом дастаси репертуарида Мухаммаси Баёт, Тасниф Дугоҳ, Самои Дугоҳ, Гардун Сегоҳ ва мақом ашула йулларининг айрим чолғу варианatlари ижро этилади. / Насри Сегоҳ, Нимчўлони каби/І

Шу сабабли, купроқ мақомларнинг ҳалқ орасида машҳур бўлган намуналари Чули Йроқ, Мирза давлат, Чули Курд, Абдураҳмонбеги, Беги Султон, ёшвой, Мискин, Ажам, Насуруллои каби якка ва туркумли куй йуллари чалинарди.

Мақом чолғу қисмларида доира усувларининг ҳам урни каттадир. Масалан: ғасниғ ва Таржи қисмлари бир хил доира усулида ижро этилади; баъзан Сошқа мақомларда қисқа шаклда икки - уч тактли ёки Таржай Йроқдаги каби, беш тактли бўлиб ҳам келиши мумкин. Гардун, Мухаммас, Сақил, Ҳафиғ. Самои каби иборалар билан аталувчи чолғу қисмлари шу ноими доира усувлари ифодасидир. Бу ерда бир нарса мұхимки, Мухаммас ва Сақил қисмлар доира усувлари жуда мураккаб бўлиб, Мухаммасларда 16 тект, Сақилларда 24 тектни ташкил этади. Шу билан бирга улардаги хона ва бозгўйлар ҳажми бир - бирига тенг.

I. Кейинги йилларда бу соҳадаги разият бармунча яхшиланди.

## НАСР БҮЛИМИ.

Шашмақомнинг ашула булими шўъбалари ҳам бастакорлик санъати анъаналарининг маҳсали сифатида юзага келган. Ўтмиш даврларда яшаб ижод этган шоир ва олимларнинг асарларида бизга унча тушунарли булмаган, куй, қушиқ ва ашулаларнинг шакли ва яратилган услубларига тааллуқли маъдумотларга дуч келинади.

■ Бундай китобларни варақлар эканимиз, мақомлар ва уларнинг шўъбалари, номи, бастакорларнинг исмлари, уларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига тааллуқли қимматли сатрларни ўқиймиз. Бундай асарларда бастакор мақом йўлларига янги куйлар, ашулалар борглани ҳақида гапирилади. Бу куй шакллари кор, қавл, амал, пешрав, нақш, савт ва тарона номлари билан машҳур булиб, улар Шашмақом таркибида ҳам учрайди, бинобарин умумий тарзда тароналар номи билан аталади. Шундай булсада, Нақш, савт, пешрав, амал, тарона, шаклларини нисбатан ажратиб олиш мумкин.

Масалан: Пешравни олайлик.

Шашмақомнинг деярли ҳамма чолғу йўллари пешрав оҳангларидан тузилган. Бу фикрни XVI – XVII асрда яратилган мусиқа рисолаларидаги маъдумотлар ҳам тасдиқлайди. Лекин Шашмақомдаги пешравлар ўтмишдагига қараганда анча мураккаб ва тақомиллаштирилган шаклдадир. Пешрав йўлларини тинглаб кўрилса, пастга паронама – парона ҳаракат қилаётган пешав тузилмаларининг ичидаги оҳанг юкорига ҳаракат қилаётгани ва куйни ташкил этадиган хоналар юзага келаётганини ажратиб олиш мумкин.

Энди нақшга келсак, бу атама безак маъносида ишлатилади ва шашмақомнинг наср дейилган шўъбаларига мосланиб басталанди. Нақшлар енгилроқ ашула йўллари булиб, мураккаб ва вазминроқ ижро этиладиган наср шўъбаларига уланиб айтилади. Нақшлар тароналардан куй тузилиши жиҳатдан бошқа ашула йўлларидан ажралиб туради. Ўтмишда эса, ҳозирги шаклидан куй унсурларини муайян тартибда, маълум қоида асосида тузилгани билан фарқ этган. Таронаи Баёт ашуласи нақшларнинг яққол мисоли була олади.

Энди тароналар шаклига келсак, ўтмишда улар тўртлик, яъни рубойи шеърларини ва шу шеърларга мос кичик шаклдаги ашулаларни иғодалаган.

Шашмақомда тароналар ирик ҳам кичик шаклларида учрайди, ҳамда Сароҳбор, Талқин ва Наср – дейилган шўъбалардан кейин ижро этилади. Бундай тароналар шунчалик ўзгариб кетганки,

ударни Шашмақом таркибида "амал" шаклидами, "нақш" шаклидами, – буни ажратиб олиш қийин. Уларнинг шакли жуда катта ўзгаришларга учради, баъзилари эса бастакорлар тамонидан йирклаштирилди. Жиддий ўзгаришлар билан булсада ўтмишдаги куй шакллари ва яратилиш услубларига хос чолғу ва ашула йўллари Шашмақом таркибида ҳам бутунлай сақланиб қолди. Шу билан бирга сунгги даврларда яшаган бастакорлар уларни тақомиллаштирилдилар, янги куй булақлари, қисмлари киритилиб, ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитдилар. Шашмақомнинг бизгача етиб келган ҳолида нақш, амал, кор, тарона, қавл каби ашула йўллари умумий номланиб, тарона деб аталади. Сунгги йилларда уларнинг шаклан ўзгариб кетиши ҳамда тарона деб номлана бошлагани ҳозирги кунда бу ашула йўлларининг ўтмишдаги шаклларининг аниқ ажратиб олинишини мушкуллаштиради.

■ Шундай қилиб, Шашмақом узоқ ўтмишдаги бастакорлик анъаналарининг маҳсали сифатида, мақомчиликдаги устоз – созанда ва хонандаларнинг бой тажрибасига асосланганни ҳолда юзага келди. Дейиш мүник.

Халқ даҳоси яратган – Шашмақомнинг ажойиб дўрдоналари мусиқа бойлигимизни ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Улар янги мусиқа асарлари яратилишида битимас – туганнис манба саналади.

Шашмақом ашула булимлари 200 дан ортиқ турли шаклларидаги ашулаларни ўз ичига олади. Лекин уларнинг асосида яратилган юзлаб ажойиб куй ва ашула йўллари мавжуд.

Шашмақомнинг ашула булимлари анчагина мураккаб шаклдаги шўъбалардан таркиб топган. Улар мақомларнинг чолгу булимидаги қисмлари бирин – кетин ижро этилгандан сунг туркум тарзида айтилади. Ашула булимларидаги тузилиш жиҳатидан бир – биридан ажралиб турадиган икки хил шўъбалар гуруҳи мавжуд. Булардан биринчисига Сараҳбор, Талқин, Наср каби шўъбалар ва Ўфар қисми, иккинчисига эса асосан Савт – Мўғулча шаклида тузилган шўъбалар киради. Олти мақомдаги турдом шўъбалар куй оҳанглари жиҳатидан ҳар – хил булсада, уларнинг доира усуллари ё ашулага тушриб айтиладиган шеърларнинг вазн ўлчовлари бир хилдир.


Мақомлар ашула булимларидаги мураккаб куй тузилмаларини шўъбалар таркибидаги намудларни ажратиб олмай туриб, тушуниб олиш қийин. Шунинг учун намудлар масаласига қисқача тұхталиб үтәмиз.

## НАМУДЛАР.

Намуд тохикча "қўриниш", "намоён бўлиш" маъносини билдиради. Намуд муайян куй ёки ашуланинг маълум парчаси /қисми/ нинг турли шўбалиари тарқисида қўринишидир. Улар қўлинча муайян шўбанинг бошланиш куй жумлаларидан олинади. Намудларнинг турли қўринишлари шўбаларнинг авж сифатида ишлатилади. Масалан: Насри уззол шўбасининг бошланишидаги 2 – 4 жумласи шўбаларининг характеристига, доира усулига мослаштириб, авж сифатида фойдаланилади. ва Уззол намуди деб номланади. Асосий намудларнинг сони саккизта, авжлар эса иккита.

1. Уззол намуди – Бузрук мақомининг Уззол деб номланган шўбалари бошланиш жумлаларидан олинган булиб, Бузрук ва Рост мақомлари шўбаларида кўплаб учрайди. Уззол арабча пастга тушиб, сакраш демакдир. Бунда куй бошланишида квартга пастга сакрама харакат қиласди.


## I мисол "САРАХБОРИ РОСТ"ДАН.



1. Намудлар хусусида мутассал маъдумот олиш учун қаранг:  
Декон Тахабов "Мақомлар масаласига доир" Тошкент 1963 й.  
150, 240, сэтлар.


2. Мухайяри Чоргоҳ намуди – Дугоҳ мақомида Мухайяри Чогоҳ шўбаси учрамайди. Бу намуд Мухайяри Ироқдан олингани шуҳоасиз ва Бузрук, Рост, Дугоҳ, ва Ироқ мақомларида кенг фойдаланилади.

## 2 мисол "САРАХБОРИ ДУГОҲ" ДАН.



3. Наво намуди – Водка намудлардан зарқли үлароқ, Наср шўбасидан эмас, Сарахбори Наводан олинган. У сурнай Навосини эслатади ҳамда Наво ва Сегон мақомларида кенг тойдаланилган.

## 3 мисол "САРАХБОРИ НАВО" ДАН.



4. Баёт намуди - / баёт - Урта Осиё қадимий туркий қабила ларидан бирининг номи/ Навонинг Баёт шўъбаларининг бошланиш жумлаларидан олинган бўлиб, Наво мақомининг ўзида ишлатилади.

4 мисол "ОРАЗИ НАВО" ДАН.

Musical notation for 'Oraz' (Song 4) in staff notation. The music is in common time (indicated by '4') and consists of three staves. The first two staves are soprano voices, and the third staff is a basso continuo line. The lyrics 'ba k.k.' are written below the bass staff.

5. Уштоқ намуди /Уштоқ - Ошиқлар/ - Рост мақомининг Уштоқ дейилган шўъбалари бошланиш куй жўмлаларидан олинган. Бузрук, Рост мақомларида учрайди.

5 мисол "САРАХБОРИ РОСТ" ДАН.

Musical notation for 'Sarakhbori' (Song 5) in staff notation. The music is in common time (indicated by '4') and consists of three staves. The first two staves are soprano voices, and the third staff is a basso continuo line. The lyrics 'ba k.k.' are written below the bass staff.

6. Ораз намуди - Наво ва Дугоҳ мақомларининг Ораз шўъбаларидан олиниб, Наво ва Сегоҳ шўъбаларида ғойдаланилган.

6 мисол "САРАХБОРИ НАВО" ДАН.

Musical notation for 'Oraz' (Song 6) in staff notation. The music is in common time (indicated by '4') and consists of three staves. The first two staves are soprano voices, and the third staff is a basso continuo line. The lyrics 'ba k.k.' are written below the bass staff.

7. Сегоҳ намуди - Сараҳбори Сегоҳ шўъбаси асосида юзага келган бўлиб, Сегоҳ ва Рост мақомлари шўъбаларида ишлатилади.

7 мисол "САРАХБОРИ РОСТ" ДАН.

Musical notation for 'Sarakhbori' (Song 7) in staff notation. The music is in common time (indicated by '4') and consists of three staves. The first two staves are soprano voices, and the third staff is a basso continuo line. The lyrics 'ba k.k.' are written below the bass staff.



8. Насрulloи намуди - Бузрукнинг Насруллои шўъбасидан олинган булиб, Сегоҳ мақоми Наврузи Аҳам шўъбасида фойдаланилган.

Бу намудлардан ташқари Зебо пари авжи ва Турк авжи дейилган авжлар ҳам намудлар вазифасини бажаради.

8 мисол "НАВРУЗИ АЖАМ" ДАН .


9. Зебо пари авжи - Сегоҳдан бошқа ҳамия мақомларда ишлатилади ва машҳур авжлардан саналади.

9 мисол "БУХОРО ИРОГИ" ДАН .

10. Турк ёки Туркий авж номи билан машхур бўлган қадимий мақом ашула йўлларидан булиб, Савти Навонинг бошланиш қисмини эслатади. Турк авжи Бузрук, Сегоҳ мақомлари шўъбаларида фойдаланилган.

10 мисол

" НАСРУЛЛОЙ ИДАН "



Мазкур намуд ва авжлар мақом шўъбаларида куй тузилишинг қонуний ривожланishi, куйнинг руҳи, қиёфаси, лад асосининг нарда тузилиши ва доира усуслининг хусусиятларига мослаб олинади. Улар турли усулдаги ашуаларда узига хос булиб гавданади.

Намудлар мақомларнинг шўъбаларида якка - якка ҳолда ёки гурух - гурух қилиниб ишлатилиши мумкин. Гурух қилиниб ишлатилганда уларнинг бир - бирига силлиқ уланиши жисобга олинади. Намудлар ийидагича тартиблар уланиши мумкин.

Уззол намуди - Мухайяри Чоргоҳ намуди;  
Ушшоқ намуди - Уззол намуди - Мухайяри Чоргоҳ намуди;  
Ушшоқ намуди - Мухайяри Чоргоҳ намуди;  
Сегоҳ намуди - Ушшоқ намуди - Турк авжи;  
Сегоҳ намуди - Турк авжи;  
Сегоҳ намуди - Наво намуди - Ораз намуди;  
Зебо пари авжи - Мухайяри Чоргоҳ намуди;  
Зебо пари авжи - Наво намуди;  
Ораз намуди - Наво намуди ёки аксинча;  
Баёт намуди - Наво намуди ёки аксинча;  
Мухайяри Чоргоҳ намуди - Дугоҳ намуди;

Бу тартиб барқарор бўлмай, хонандалар шўъбалар таркибидаги баъзи намудларни тушириб қоддиришлари ёки инги намудлар киритиб ижро этишлари мумкин. Масалан: Наврӯзи Саъо шўъбасига одатда Сегоҳ, Наво ва Ораз намудлари киритилади, Домла Ҳалим Йбодов зоён уни биргина Сегоҳ намудини кенгайтириб ижро этган. Шундай қилиб, намудлар турлича шаклда қулланила берган. Улар йирик шаклдаги ҳалқ куй ва ашула йўлларидан ҳам турлича фойдаланилган. Машхур хонаида ва бастакор Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов узи ижро этган "Гулузорим" ашуласи Савти Ушшоқ пардалари оҳангларидан иборат бўлсада, унга Авжи Турк қўшиб айтган, Бебоқча ашуласига эса /асли Ростдаги Савти Сабога оҳангдош/ Зебо пари билан Наво намудини киритган ва ҳоказо.


Мақомлар ашула бўлими шўъбаларининг таркибидаги куй тузилмалари ҳар хил булиши мумкин. Масалан: улар одатда чолрү муқаддима билан бошланади. Кейин даромад қисми жумлалари ижро этилади ва Миёнхат /урта пардалардаги ашула жумлаҳари/га утилади. Ўрнига қараб, Дунаср /даромаднинг юқори пардаларида тақорланиши/ жумлалари ижро этилади. Кейин маълум шўъбага хос намудлар /биттадан тўрттагача келиши мумкин/ айтилиб, миёнхат ёки усиз уланиб кетадиган Фуровард /туширим/ қисми билан якунланади.

Уларда бир байт шеър билан уқиладиган ашула тузилмаси бир хат саналади /Шашмақом пота ёзувлари китобида хатлар рим рақамида I - II - III каби курсатилиб, ярим /ним/ хат I, 2, каби қилиб берилган/.

### АШУЛА БҮЛМІНІНГ БІРІНЧИ ГУРУХ ШҰБАЛАРИ.

Шашмақомнинг бірінчі гурұх шұббаларига Сараҳбор, Талқин, Наср, уларнинг тароналары ва Үфар қыслары киради. Ҳар бир мақом түркүмі Сараҳбор билан бошланади. Уларнинг қисқача тавсифи қуйидегічада:


**С А Р А Х Б О Р** - Сар - тоғынча бөш, ахбор - арабча "хабар" сүзінінг күплиги, яғни бу ибора ашула түркүмләри түзилишидан дарак берувчи бөш ашула йулы, қисқаси, ашула бүлмінінг бөш мавзузи маңносидады. Олти мақомнинг ҳар бирида улар мақомлар номы билан құшиб, Сараҳбори Бузрук, Сараҳбори Рост, Сараҳбори Наво, Сараҳбори Дугоқ, Сараҳбори Сегоқ ва Сараҳбори Ироқ - деб номламады.

Уларнинг доира усули:  / амъамави иборалар билан: бак - бүм/

Улар Музорөй Мұжтасс, Мутақориб, Рамал вазнларидаги II - I4 - I5 бүргінли шеърлар билан үқилади.

Сараҳборлар вазмин доира усулида ижро этилсада, түрли мақомларда үзіга хое оқаңғ ва қуй мавзуга әга. Уларнинг тароналары олтигача етиб,  $\frac{3}{4}$ ,  $\frac{4}{4}$  вариантылары билан,  $\frac{3}{8}$   $\frac{3}{4}$  ёки  $\frac{3}{4}$   $\frac{3}{8}$ ,  $\frac{3}{4}$   $\frac{4}{4}$ ,  $\frac{3}{4}$ ; тект үлчовларидаги доира усулләри жүрлигіда ижро этилади.

**ТАЛҚИ Н.** номлы шұббалар Ироқдан ташқари ҳамма мақомларда учрайди ва Талқинни Уззол, Талқини Үшшоқ, Талқини Баёт, Талқини Чоргоқ, Талқини Сегоқ деб өртиледи.

Талқин сузы арабчада "түшунтириш", "насихат этиш" маңноларини билдиради. Бу ибора доира усулининг ҳам ифодасы:  / анъанави иборалар билан: бүм - бак - бүм - бак/.

Унга мос шеърлар Рамал баҳриданды: Фойлотун - фойлотун - фойлотун - фойлотун.

Талқин йуллары Уззол, Үшшоқ, Баёт, Чоргоқ, Сегоқ, Наср ва Үфар йуллары билан қамоқаңг ва оу шұба қыслары бир - бириңінг ритмик вариантыларидар. Уларнинг тароналары әса, Сараҳборлардагы каби вазиғані оажаради.

**НАСР** - Сочма, күмак, зағар маңносидай улар Шашмақомда үнтурттады: Бузрук - Насрүллои, Насри Уззол;

Ростда - Насри Үшшоқ, Наврұзи Сабо;

Навода - Насри Баёт, Орази Наво, Ҳусайній Наво;

Дугоқда - Насри Чоргоқ, Орази Дугоқ, Ҳусайній Дугоқ; Сегоқда - Насри Сегоқ, Наврұзи Хоро, Наврұзи Ажам; Ироқда - Мухайяри Ироқ.

Улар 6/4 тект үлчовларидаги доира усулида ижро этилади:



/ бака - бүм - бак - ист - бүм - бак/.

Уларга айтиладын шеър вазни Ҳазақ баҳриданды:

Мағойлун - мағойлун - мағойлун - мағойлун.

Насрларда ҳам бир нечадан тароналар мавжуд /3 - 4 тадан ошмайды баъзиларида әса, умуман учрамайды/ масалан: Ҳусайній Наво ва Дугоқ/.

**Ү Ф А Р** - мақомларнинг яқунловчи қисми булиб, шұхроқ доира усулида ижро этилади.

/ бүм - бака - бүм - бак; бүм - бака - бак - бүм - бак/.




Уларни ижроси учун түрли вазнларды / Рамал, Ҳазақ, Рәзәж шеърлардан фойдаланылады. Ҳар бир мақомнинг шұббалари ва уларнинг тароналары түркүм тарзидә ижро этиліб, Үфар билан тамомланиб, охирги супориш билан яқунланады. Бу супоришлар Сараҳборларнинг ашула бошидаги жүмаларидар. / Супориш - топшырув маңносиде түркүм Сараҳборға узатади ва у билан яқунланады.

### АШУЛА БҮЛМІНІНГ ИККІНЧИ ГУРУХ ШҰБАЛАРИ.

Иккінчі гурұх шұббалары Савт ва Мұрұлчалар усулида ижро этиладын аула йулларидар. Ғақат Наво мақомыда Мустазоди Наво шұбасы "талқин" доира усулида ижро этилади.

Иккінчі гурұх шұббалары, асосан, беш қисили булиб, асосий ашула йулларидан ташқари шахобчалары - Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Үфар, - деб номланауды ва шу номлы доира усуллары жүрлигіда ижро этилади.

Савт ва Мұрұлчаларнинг асосий йуллары 5/4.



Уфарлари 6/8,  
3/4 текті Улчовларидаги доира

усулларыда ижро этилади. Улар Рамал, Комил, Музорев, Рахаз, Мутароқиб дейилгән вазидаги шұйрлар билан үқилади. / Қаралсін: "Мақомлар масаласига доир", 227 - бет/.

Іккінчи гурх шұйбалары орасыда Рек, Иреки Бухоро, Муста-  
зоди Наво уз түзилиши билан Савт ва Муғулча шұйбаларидан фарқ  
қиласы да үларинг бирінчи /бош/ қисмлари Сарахбор ва Талқин  
усулларыда ижро этилади.

Әнді ҳар бир мақом да унинг шұйбалары билан қисқача  
танишиб чықамиз.

### БУЗРУК МАҚОМИ

Олтита мақомдан бириңчиси "Бузрук" номи билан машқур булиб  
көлган. Бу мақом қақидаги маълумоттар жуда қадим замондан бері,  
Шарқ мусиқа илмий рисолаларыда шарқлаб көлинген әді. Үтміш олим-  
ларининг мусиқиј рисолаларыда Бузрук мұайян лад түзилмасының  
унга мос күй да ашулашарни ифодалаган. Бузрук мақомининг жомли  
намуналарини бізгача Шашмақом таркибидаги күй да ашула йұллары  
орқали маълумдір.

"БУЗРУК" иборасы форсча - тохижча "Бузруг" сүзининг уз-  
гарған шакли булиб, "Катта", "Улур" маъноларини билдиради. Ҳар  
қолда бу мақом жуда күп күй да ашула йұлларини уз ичига олған-  
лиги учун "катта", "улур мақом" - деб номланған бұлса керак.  
Бузрукнинг асосий қисмлари РЕ - "Миксолидий" да "Дорий" лад-  
ларига мос келади. Мақомлар ижросыда етакчи соз санаған танбур  
асбоби Бузрук мақомининг ижро этилишида квартага созланади.  
Бузрукнинг өлгү да ашула йұлларини тинглар эканиз, I, II, IV,  
V, VI лад пагоналары таянч нұқталары сифатыда алоқида ажралиб  
туради.

I. Шашмақом да үларинг шұйбалары, мақом йұлларини күй түзил-  
малари ҳақида ізгрязмали тасаввур ҳосил қилиш учун,  
академик Ю.Рахабий түплаб нотага олган олти жилдлик  
"Шашмақом" китобига мурожат қилинсін. Китобнинг VI жилдиде  
сүнгі сұза да намудлар жадвали мақом йұлларини да ашула  
қисмларын ажратып олиб түшинишда ёрдам беради.

Бузрук мақоми ҳам өлгү да ашула бўлимларидан ташкил  
тобган. Унинг чордуда булими Таснифи Бузрук, Таржеи Бузрук,  
Гардуни Бузрук, Мухаммаси Бузрук, Ихаммаси Насруллоий, Сақили  
Ислимий, Сақили Султои, - деб номланған өлгү асарларидан иборат.  
Тасниф да Тарже йұлларыда бир хил доира усули қулланилади:

Таснифи Бузрук оқандлари мазкур мақомининг бош мавзуси сиф-  
атида унинг бошқа қисмларыда ҳам намоён булиб туради да унинг  
рухий қолати яққол сезилиб туради. Айниқса Таснифи Бузрукдаги  
унсурлар да бозгүйга үшаш оқандлар бошқа мақомларининг қисм-  
ларыда ҳам үтрайди. Таснифи Бузрукнинг ҳиссий таъсир кучи юксак  
булиб, кишига умид, улугворлық, кутаринки рүх баҳш этади.  
Таржеи Бузрук эса тантанавор янграйди.

Таржеи Бузрукнинг пешрав элементлари Насруллоий, Ажам тарона-  
лари, Чули Ирек каби қуплаб күн да ашулашарда ҳам фойдаланилган.

Бузрук мақомининг Гардун йулы мұраккаб 8/4-2/4-3/4-3/4 тектілі  
доира уоулида ижро этилиб, юксак профессионал мусиқа асары  
сифатыда пухта яратылған. Уни доира усули:

Бузрук мақомининг Мухаммас да Сақил қисмлари учун харак-  
терли нарса шуки, уларда хона да бозгүйлар ҳажми бир хилдір.  
Мухаммасларнинг хона да бозгүйлари 16 тектілі, Сақилларнің эса  
24 тектілі мұраккаб доира усули жүргілігіде ижро этилади. Мухаммас  
да Сақилларда үтрайдиган Насруллоий, Ислимхон иборалари бу күй-  
ларни яратған бастакорларнинг тахаллусидір. Булар орасыда Ислим-  
хон ХҮ асрда яшаб ижод этган шоир да үлкан бастакор булиб, турлы  
мақомлар мавзуда күй да ашулашар яратған әді.

Мухаммас да Сақил йұлларининг күй оқандлары да доира  
усули мұраккаб бүлсада, тақрибали шинавандага осон етиб боради,  
чунки улар оддий ҳалқ күйлары негизінде яратылған.

Бузрук мақомининг ҳамма өлгү қисмлари күй түзилиши  
жиһатидан мұкаммал да бетакор асарлар булиб, оқандорлығы билан  
қишини нағтын этади. Бузрук мақомининг өлгү да ашула йұллары  
юксак бадий қийматтаға ега. Улар асосыда бастакорлар тамонидан  
жуда күп күй да ашулашар яратылған.

Бузрукнинг өлгү булимындағы күйлар бирин - кетек ижро  
етилгандан сүнг шұйбаларга үтилади.

БУЗРУКНИНГ ашула булими биринчи гурух шүббалари тароналари билан яхлит ҳолда, туркум тарзида ижро этилади. Бу шүббаларнинг асосий йуллари Сарахбори Бузрук, Талқини Уззол, Насрulloйи, Насри Уззол якуловчи кисми эса Уфари Уззол - деб мөламади.

Улар орасида Насрulloйи ва Насри Уззол - Бузрукнинг "наср" дейилган шүббаларидир. Уларниң аўжларида асосан, Уштоқ, Уззол, Мухайяри Чоргоҳ намудлари, Насрulloйида эса Турк - деб аталган аўждан фойдаланилган.

Биринчи гурух шүббалари туркуми Сарахбори Бузрукдан бошлиди. У икки чорак тект үлчовига мөс доира усули билан ижро этилади. Сарахбори Бузрукка айтиладиган шеър "Музорен ахраби макбуғи маҳзүф", - дейилган вазнда булиб, "мағоидун" - фоилотун мабониум - "Фондун" тарзида талефуз этилади.

Сарахбори Бузрук куй тузилиши жиҳатидан жуда ҳам мураккаб ҳамда бир неча куй булакларидан таркиб топган. Бу асер чолгу муқаддимаси билан бошланади. Кейин бир байт шеър билан айтиладиган биринчи хати - даромад кисми айтилди. Сарахбори Бузрукнинг иккичи хати - миёнхат, учинчи хати - дунарп, туртинчи хати - Уззол намуди, бешинчи хати, шағотинчи ва еттинчи хатлар Мухайяри Чоргоҳ намуди ва саккизинчи хат - Фуровард кисмларидан таркиб топган. I - II - III ва охириг хатлар ундов сүзлар билан айтиларкан, ханг ва оқаңглар билан ижро этилади. /Сарахбори Бузрукни таҳлил этиб әшитиб күриш тавсия этилади./

Сарахбори Бузрук куй ҳаракати жараёнида терпия, квартал, квинта, октава даражасидаги ҳаракатлар ҳамда турли пардаларга чекинишлар тез - тез содир булиб турди. Шу сабабди унинг лад қиёғасини ажратиб олиш қийинроқдир. Тоналлижнинг узгариши ҳолатларини Сарахбори Бузрукдан кейин айтиладиган олтита унинг тароналарida ҳам кузатиш мумкин. Бу тароналарниң куй тузилиши лад қиёғаси, доира усули, уларга айтиладиган шеър үлчовлари бир бирдан тубдан фарқ этади. Бундай ҳол ашула туркумининг рағбаренглигими, жәзибадорлигини таъминлади. Бинобарин Сарахбордек йирик ашула йўлини тинглашдаги жiddий ва оғир ҳолатни енгиллаштиради, ҳамда әшитув ҳиссиётига дам беради. Сарахбори Бузрук тароналари кичик шаклдаги енгил ашула йулларидир.

Сарахбори Бузрукнинг УІ - таромаси кейинги шүббага уловчи вазифасини бажарадиган - супориш қисми деб ҳисобланади.

Бузрукнинг иккимчи шүббаси Талқини Уззолдир. Бу ерда "Талқим" /асл мәньоси - тушунтириш, насиҳат/ ибораси доира усулиниң номи булиб, "Уззол" эса майдын куй тузилмасини ифадаиди.

"Уззол" қадимий мусиқа рисолаларида күрсатилишича ун икки мақомга киргам майдын шүббаминг номи. Шашмақомда эса Бузрук мақоми таркибиға киритилганди. Уззол ибораси эса Х асрдан бошлаб майдын.

"Уззол" арабча сүз булиб, "тушиш", "паастга сакраш" мәньоларини силдиради. Бундай мәньноми "Уззол" номли шүбба ва унинг бошланыш қисмлариниң куй ҳаракатларидан ҳам билиб олса булади. Бундай күи, масалан, "соль" мотасидан бошланса, квартада даражасидаги паастга яъни "РЕ" мотасига тусятдам сакрайди. /Фикримизнинг далили учун, Насри Уззолнинг бошланыш қисмими тинглаб куриш киғоя/.<sup>1</sup>

Дуни алоҳида таъкидлап керакки, Бузрукдаги "Уззол" мөми билан борғлик шүбба ва қисмларда, яъни Талқини Уззол, Насри Уззол ва Уфари Уззол куй мавзулари ва оҳамглари жиҳатидан деярли фарқ этилади. Булар орасидаги асосий фарқ - доира усулиниң турлича булишидадир. Уззол иули турли доира усулига туширилганди, баязи ўзгаришларга учрайди ва бир - бириминг ўзгача мусхаси булиб, яңгича тус олади ва яңгича таъсири кучини касб этади. Шу бойсдан Уззол намуналари ҳақида шу ерни үзида умумий фикр иритамиз.

Масалан: Талқини Уззол, Насри Уззол /насрлар усулида/ болқача тусга киради, Уфар усулида эса қувноқ ва шұхчан ашулага айланади.

Уззол шүббалари ва Уфар қисми қуиидаги куй булакларидан таркиб топган:

Чолғу муқаддима, I - хат - даромад; II ва III хатлар - миёнхат; туртинчи ва бешинчи хатлар - Уштоқ намуди; олтинчи хат - Мухайяри Чоргоҳ намуди; етинчи хат - Фуровард, яъни тулириш қисмларидан иборат. Бу ерда Уштоқ намуди яъни Уштоқнинг куриниши - Рост мақомининг Уштоқ номли шүббалари асосида, Мухайяри Чоргоҳ намуди - Йироқ мақомларининг шу номли шүббаси асосида яратылған.

Уззол шүббалари халқ орасида малхур ашула йуллари сүлемб үзига хос оқанғдор ва жозибалидир. Уларниң матхуралығыни шундан ҳам билиш мумкинин "Уззол" оқанғлари асосида бошқа ашула ва куй йуллари аўкода кенг фойдаланиладиган Уззол намуди өзага келган эди.

Уззол намуди Шашмақомда Бузрук, Рост мақомлари шүббалари

авжидаги көңг фойдаланилган.

Талқини Уззолнинг биттагина таронаси булиб, у ҳам бўлса супориш, яъни кейинги шўъбага ўтишда уловчи вазифасини бажаради.

Бузрук мақомининг Наср - дейилган шўъбаларидан бири Насруллоидир. Насрулло - шу номли куй ва ашулани яратган бастакорнинг тахаллусидир. Узоқ ўтишда бу чолғу ва ашула Йуллари махсус мақом ҳисобланган, ҳамда "Роҳавий" номи билан машҳур булган.

Насруллоий асари Бузрукнинг бошқа шўъбаларидан тубдан фарқ қиласди. Унинг тузилиши ҳам анча мураккаб ҳамда бир неча куй булакларидан иборат. Бу шўъба ҳам чолғу муқаддимаси билан бошланади. Биринчи ва иккичи хатлар - даромад; учинчи ва туртинчи хатлар - миёнхат; бешинчи хат - даромаднинг ююри пардаларидаги тақрорланиши, яъни "дунаср"; олтинчи ва саккизинчи хатлар - Турк авжи, түққизинчи хат тушурим қисмларидан ташкил топган. Насруллоининг куй ва ашула Йуллари ўзига хос орнинада жозибалик булиб, тингловчиларга анча яқиндир.

Насруллоининг кетидан унинг учта таронаси ўқиласди. Унинг биринчи таронаси жуда мураккаб - 13 тектакт үлчовидаги доира усули билан ижро этилади. Иккичи таронаси  $\frac{3}{4}$   $\frac{4}{4}$ , учинчи таронаси  $\frac{3}{4}$  тектакт үлчовидаги ижро этилади. Уларнинг куй мавзулари жуда ҳам ранг - баранг, кишида ажойиб ҳис - туйгулар уйғотади. Шуни айтиш керакки, турли шўъбаларнинг тароналарида қандайдир умумийлик борлигини англаб олиш мумкин, масалан: Сарахбори Бузрук билан Насруллоининг тароналари бир - бирининг маълум ритмик вариантилари сифатида эштилади.

Насруллоий халқ мусиқа ижодиётига қучли таъсир куреатган. Унинг асосида туркум тарзида ижро этиладиган "Насруллоий" номи билан машҳур булган беш қисмли куйлар, "Фарғона Насруллоси" дейилган ашула Йуллари яратилган эди.

Шундай қилиб Бузрук мақомининг чолғу Йуллари ижро этилгандан кейин, туркум Сарахбори Бузрукка ула́ниб кетади. Бу шўъба тароналари билан айтилгандан сўнг супориш воситаси билан Талқини Уззол ҳамда унинг таронасига утилади. Кейин Насруллоий тароналари билан ўқилиб, Насри Уззол ижро этилади. Бузрук мақомининг яхлит туркуми Үфари Уззол - билан якунланади.

Шашмақом шаклланиши жараёнининг дастлабки даврларида биринчи гуруҳга кирган "Сарахбор", "Наср" дейилган, шўъбалар ва Уфарлар яратилган эди. Кейинги Йилларда эса "Шашмақом" тобора бойиб борди. Унинг таркибига бастакор санъаткорлар тамонидан янгидан - янги шўъбалар киритилди. Натижада, Савт ва Муғулчалар тарзида бир ҷанча шўъбалар яратилди ҳамда "Шашмақом" иккичи гуруҳ шўъбалари жумласига киритилди.

Бу шўъбалар сўнги давр махсулоти эканини ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди. XIX асрда ёзилган ҳамда "Шашмақом" Йулларига айтиладиган шеър текстлари келтирилган тупламларда "Савт" ёки "Муғулча" - деган номлар асосан учрамайди. Бундан бир қулёзма туплам истисно булиб, унда келтирилган Савтга айтиладиган шеър тексти ҳозирги Савтлардагига мос келмайди. Манбаларда, бошқа номлар билан айтиладиган шўъбалар ҳам эслатилиб утилмайди. Хоразм мақомлари таркибига улар уиуан кирмай қолган, бу нарса Савт - Муғулча туридаги шўъбалар ва уларнинг шахобчалари XIX аср охири XX аср бошларида юзага келганинги кўрсатади.

Бузрук мақоми таркибида бундай шўъбалар тўртта булиб, "Муғулчай Бузрук", "Савти Сарвиноз", "Ароқи Бухоро" ҳамда "Рок" деб номланади.

Бу уринда "Муғулча" ибораси шу номли доира усулининг иғодаси "Савт" эса - товуш, ако садо маъноларида маълум куй ёки алулага тақлид қилиб яратилган мусиқа асаридир. Иккичи гуруҳ шўъбалари биринчи гуруҳ шўъбаларидан тубдан фарқ этади. Биринчи гуруҳ шўъбалари "Сарахбор", "Талқин" ва "Наср"лар тароналари билан яхлит туркум тарзида ижро этилади. Иккичи гуруҳ шўъбалари эса, куй мавзулари нуқтаи назаридан бири - бўрига ҳеч ўшамайди, шу сабабдан ҳам улар ўз шахобчалари "Талқинча", "Қашқарча" "Соқиннома" ва "Үфар" қисмлари билан алоҳида туркум тарзида ижро этилади.

Иккичи гуруҳ шўъбаларидан бири "Муғулчай Бузрук" куй тузилиши жиҳатдан "Сарахбори Бузрук"нинг маълум ритмик ва мелодик вариантидир. Энди уни "Муғулчай Бузрук"нинг бошланиш жумлалирига тақдослаб доира усулига ҳам эътибор беринг. "Муғулчай Бузрук"нинг куй булаклари ҳам Сарахбори Бузрукдаги кабидир. Шу шўъбалар таркибида даромад, ўрта пардаларда айтиладиган йиёнхат, Уззол намуди ва Мухайяри Чоргоҳ намудлари, фуровард қисмлари мавжуд. Муғулчай Бузрукнинг асосий йўли беш чорак тектакт үлчовида булиб, "Рамали мусаммани маҳзур", - дейилган шеър вазнида ижро этилади.

Фоилотун - фоилотун - фоилотун - фоилун.

Мұғулчай Бузрукпинг асосий иули айтилғандан сүнг, унинг шахобчалари бұлған "Талқинча", "Қашқарча", "Соқийнома" ва "Уфар" ижро этилади, улар еса мәзекр шахобчалар номи билан бөглиқ доира усулидаги ритмик вариантылари сифатыда гавдаланади. Шу сабаб-ли уларнинг биттаси таҳлил этилса, бошқа шахобчаларнинг ҳам күй тузилишини тасаввур этиш мүмкін. Лекин улар турлы доира усули, ҳар хил шеър матнлари жүрлигіда ранг - баранг тус олади, бошқача руҳий таъсир күчини касб этиди. Масалан, Мұғулчай Бузрукнинг Қашқарчасын олиб күрайлик. Унинг бириңчи хати "Даромад", иккінчи - учынчи хатлари "Миёнхат", тұртнинчи - бешинчи хатлари "Дұнаср" - яғни ашула бошланыш жұмлаларнинг қори пардалардаги тақрори, олтинчи - еттинчи хатлар Үззөл намуди, сак-кизинчи - тұққызынчи хатлар "Мұхайяри Чоргоҳ" намуди ва "Фуровард" қисмларидан иборат.

Мұғулчай Бузрук машхұр ашула Ылларида булиб, узига хос жозибадорлиги ва таъсирчанлиғи билан алоқида ажралиб туради. Унинг "Қашқарча" ашула иули қисқароқ шаклада Жалилов ва Бровцин-ларнинг "Тохир ва Зұра" операсыда Хоразм маликасы Мөхім ариясы сифатыда фойдаланған зди, бунда воқеелікни ва лирик кайфиятни дурустгина ифодалай олган.

Бузрук мақоми иккінчи гурұқ шұғаларидан бири "Савти Сарвиноз" номи ойлан машхұр. "Сарвиноз", баъзл мақомчиларнинг фикрича, бастакорнинг тахаллуси, яғни савти Сарвиноз - шу санъеткор басталаган савт иулидир. Савтларнинг асосий иули бир хил, беш чоракли тақт үлчовидаги долра усули билан ижро этилді, Мұғулчалар доира усулидан фарқ қымлайды. Лекин шеър үлчови "Хазажи мұсамманы солим" - дейилгән вазида. Мағоййлун - мағоййлун - мағоййлун - мағоййлун - тарзда талаффуз этилади. Савт ыллары орасыда Савти Сарвинознинг күй қарапати фаол булиб, мұраккаб күй тузилиши ва нөблігі билан алоқида ажралиб туради.

Савти Сарвиноз чолғу мүқаддіма билан бошланади. Унинг таркибіда: I - хат "Даромад", II - III хатлар "Миёнхат", IU ү хатлар Ұшқоқ намуди булиб, Миёнхат IU хат билан ашула бошланған парда - тоникаға қайтиб тушади. Сүнгра ашула иули чолғу нақорат орқали 7 - 8 хатлардан иборат Түрк авжига уланиб кетеди. Түрк авжи ҳам Миёнхат жұмлалары өсітаси билан бөш пардага қайтиб тушади ва түширим қисыл билан якунланади.

Савти Сарвиноз тузилиши мұраккаб бұлсада, күй оқанғлар-ға соғ, ажырло ашула Ылларидандар. Бу ашула оқанғлар асосыда

XIX асрнинг охирги чорагида Шаҳрисабзлик машхұр бастакор, мақомдон ҳофиз Абдураҳмонбек уч қисмети жозибадор ашуалар туркумини яратған зди. Улар "Абдураҳмонбеги" номи билан машхұр булиб қозирги күнгача халқимизнинг севимли ашула Иуллари булио қолмоқда.

"Абдураҳмонбеги" ашуаларини тингласак, уларнинг күйи "Савти Сарвиноз" иули эканы яққол сезилиб туради. Лекин бастакор Савти Сарвиноздан фойдаланиб, пухта ва жозибали ашуалар яратған зди. Бу ашула "Сарахбор" усулининг тезлаштирилған түридір.

"Абдураҳмонбеги" ашула Иуллари сөрмазмун, тингловчиларға осон етиб сөрадыған оромбаш асарлар даражасыда ишланған. Бастакорнинг мақорати шундаки, "Абдураҳмонбеги" I ашуласига Наво намудидан усталық билан фойдаланған булиб, бундай ҳол мақом-чилиқда кам учрайди. Чунки, Бузрукда паво намуди ҳеч қаочон фойдаланылмаган зди.

Савти Сарвинознинг асосий иули ижро этилғандан кейин унинг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар шахобчалари бириңкеттім үқилади.

Бу ашула Иуллари ҳам Мұғулчалардаги каби, турлы доира усуllibарда янгича қайқал топади. Улардаги күй қиёғаси, таркибий қисмлари Савти Сарвинознинг бөш иулидаги күй матнларнинг худди үзидір.

"Бузрук" мақомининг II гуруждаги шұғаларидан яна бири шинавандаларға маълум булған Ироқи Бухородир.

Ироқи ғұхорий Шалмақомға кирадыған VI мақом булміш Ироқ-нинг Сарахборига оқаңдош. Бунда Сарахбори Ироқ бутунича олиниб, Бузрук мақоми ладига мосланған. Ашула бошланадыған парда Сарахбори Ироқдагига кура тұрт пағонага баланд құтарилған ҳамда авжидаги баъзи қайтариқ жұмлалар қисқартирилған ёки баъзи үзгаришлар билан олинған.

Ироқи Бухоро таркибіда Талқинча, Чапандоз, Соқийнома ва Уфар қисмлари булиб, уларда тоналлик үзгариб туради, күй булаклари ҳам баъзан бир - бири билан мос келмайды. Масалан, Ироқ-нинг асосий иулида Зәбо пари авжи билан Мұхайяри Чоргоҳ намуди фойдаланылған бұлса, унинг Талқинчаси ва Чапандозида Мұхайяри Чоргоҳ үрніга Турк авжи келади. Соқийнома ва Уфар қисмларидан зса Зәбо пари авжининг ёлғыз узи фойдаланылған. Бу ашула Иулларидан башқа пардаларға үтиш каби күй қарапатлари күплаб содир булади.

Ироқи Бухорийнинг шахобчаларидан умумий түшүнін олиш

учун унинг енгилроқ йулларидан Соқийномаи Ироқни олиб қарайлик.

Бу ашула йулининг X I хати "Даромад", II - III хатлари урта парда жумлалари - Миёнхат, IV - У хат Зебо пари авжи, охирги VI - хат туширим қисмларидан иборат.

Бу жозибали ашула йули кишида нозик лирик кайфиятлар қузгайди, эзгу ҳаёлларга чўмдиради. Ўзининг куй тузилиши билан бош ашула йулидан анчагина фарқ этади. Зебо пари авжиди эса Ироқ билан ҳамоҳанг бўлиб қолади. Фурӯвард қисмида яна ўзгача шакл олади.

Ироқ йуллари асосида кўпгина ҳалқ ашулалари, чолғу ва сурнай йуллари яратилган бўлиб, бу нарса Ироқнинг мусиқа санъатимизда нақадар кенг Урин тутгани ва машҳур бўлиб кетганидан да- лолат беради. Ироқ йуллари асосида "Чули Ироқ", "Суворий" каби машҳур чолғу асарлари, "Тошкент Ироқи" каби ашулалар юзага келган эди. "Чули Ироқ" куйидаги ҳатто Мухайяри Чоргоҳ намуди бутун-ича сақланган. Тошкент Ироқи эса Ироқи Бухородаги "Даромад" билан бошланиб, авж қисми эса Мухайяри Чоргоҳнинг маълум вариантиларининг такороридир.

"Соқийномаи Ироқ" асосида "Сувора" ашуласи ва шу иккнижий қисмдан иборат куйлар юзага келган. Сувора куйлари Соқийнома ва Уғар усуllibарida чалиниб авжидаги Зебо пари қисми тушириб қолдирилган.

Сувора сўзи - чавндоz, отлиқ маъноларida бўлиб, чавандовнинг от устидаги ҳаракати ва атрофдаги гўзал манзараларни мусиқий воситалар орқали тасвирлайди ва кишини чуқур ҳаёлга чўмдиради.

Энди Уфари Ироқка келсак, у Ироқ шахобчаларининг Уғар доира усулидаги вариантидир. Уфари Ироқ Фарғонада хотин - қизлар тамонидан жуда кўп айтиладиган "Фарғонача" ашула йулини эслатади. Бу жозибали, роҳатбахш ашула йулида айнан бир вақтда хотин - қизларнинг ички ҳис - туйғулари, орзу - умидлари ва истаклари, интилишлари ҳам ўз ифодасини топган.

Бузрук мақомининг шўбаларидан яна бири "Рок" номи билан машҳур. Рок ибораси ҳиндча "Rag", "Raga" сўзидан олинган бўлиб, Ўтра Осиё ҳалқларининг ҳинд ҳалқлари ўртасидаги қадимдан мавжуд булган мусиқий алоқаларининг ифодаси бўлса керак. Бунда Рокнинг куй тузилиши ҳинд мусиқасига алоқаси бор деб ўйлаш хатодир. Назаримизда бу ерда номигагина ҳиндчадир. Шуни ҳам айтиш керакки, ўзғур ҳалқида ҳам "Шашмақом"даги каби Рок чолғу ва ашула йуллари бўлиб, оиздаги Рок шўбасига ухшайди. Булар ўртасидаги йарқ икро услубининг турли эканлигидир.

Бузрукдаги Рок шўбаси учун ўз кос нарса шуки, унинг асосий йули Савт - мұғулчаларига ухшамайди, балки Талқин доира усулида икро этилади. Бинобарин, куй тузилиши ҳам анча ихчам. Ўнинг асосий йули, талқинчаси, қашқарчаси ва соқийномаси ҳамда уфари, даромад, миёнхат, намуди уззол ва фўровард қисмларидан иборат бўлиб, ҳамма шоҳобчаларда авжлар қисқартириб олинган. Лекин бу қисмлардаги куй оҳанглари бир - биридан анча фарқ қиласди. Рок шўбасининг қисмлари ҳалқ орасида жуда ҳам машҳур бўлиб, рақсбоб ашула йулларидандир. Ву ашула иулари ҳалқ йигинларида, тўйи ва базиларда кўпчилик тамонидан рақс жўрлигидан айтилиб көлинган.

Шуни ҳам алоҳида айтиш керакки, Рок қисмлари сурнай йуллари сифатида ҳам машҳур. Баъзан шоду ҳуррамлик кайриятини ифодалагани учун сурнай, ногора ва карнай ансамблларида икро этилиб, "Шодиёна" куйлари деб атаганлар. Лекин "Шодиёна" ногора усуllibар ва уларга чалинадиган куйлар ўндан ортиқ саналади ва орасида Рок қисмлари ҳам икро этилаверади. Рокнинг қашқарча ва уфар қисмлари ўзбек ҳалқ чолғу оркестрига иослаб қайта ишланган бўлиб, кўп йиллар давомида оркестр репертуаридан тушмай келади.

### РОСТ МАҚОМӢ.

Бу мақом үтмиш мусиқа рисолаларидан үн иккнижий мақомлардан бири саналган. Йарқ мусиқа назариясига оид китобларда Ростнинг энг қадими маком экани тўғрисида гапирилиб бу ҳақда афсонага келтирилади. Афсонага кура, "Рост" Одам Атодан қолган. Гуё Одам Момо Ҳаво билан жаннатдан ерга қувилади, Ҳудо улағнинг бирини Марғибга, искеничисини Машриққа жўнатади. Одам Ато Момо Ҳаво ишқида сарсон - саргардон бўлиб, уни ахтаради. Гуё Одам Атонинг чеккан иоласи, "оҳу воҳи" Рост мақоми пардаларидаги кўйдан иборат эдт. Шуниж учун мусиқа китоблари муаллифлари Рост мақомини "Уммул - адвор" яъни мақом лад доираларининг онаси деб ҳисоблагандар. Мазкур афсонани кетириш билан, мусиқа олимлари Ростни энг қадими ва илк мақом йули эканини исботламоқчи бўлганлар.

"Рост" ибораси эса "мос келадиган", "тўғри тушадиган" маъноларини билдиради. Мусиқа рисолаларида айтилишича, бу мақомнинг ладига жуда кўп куй ва ашулалар мос келгани учун "Рост" деб номланган. Дарҳақиқат, Узбек ва Тоҷик ҳалқлари мусиқасида ҳозирда ҳам бу мақом ладига мос мусиқа асарлари сон - саноқсиз,

"Рост" мақомининг асосий йўллари бошланадиган парда, яъни тоникаси "ДО" товуши булиб, ўн икки мақом таркибида "Миксолидий" ладига яқин булган, Шашмақомда эса, "Миксолидий ва Йоний" дейилган лад қушилмасига мос келади. Бунинг сабаби бор албатта, чунки ўн икки мақомдаги Рост ва Ушшоқ мақомлари Шашмақомда Рост мақоми шаклида бирлаштирилган эди. Мазкур миксолидий ва Йоний пардалари бир-бирига бирмунча яқин булиб, улардаги фарқ товушқаторнинг еттинчи поғонасидадар.



Мақомлар икросида етакчи созлардан ҳисоблангани танбур торлари "Рост" мақомида катта оқтаванинг "ДО - Соль" ноталарига созланиб, унинг I - II - IV - VI поғоналари кўйнинг таянч пардаларидир.

"Рост" мақоми ҳам чолгу ва ашула булимларидан иборат. Дастреб унинг чолгу қисмлари яхлит ҳолда бирин - кетин ижро этилади. Бу чолгу қисмлари "Таснифи Рост", "Гардуни Рост", "Мухаммаси Рост", "Мухаммаси Ушшоқ", "Мухаммаси Панжгоҳ", "Сақили Вазмин" "Сақили Раг-Раг" деб номланади.

Таснифи Ростда бу мақомнинг бош мавзуси баён этилиб, куй оҳанглари жиҳатидан халқ қўйларига ухшайди. Унинг хоналари пешрав воситаси билан ҳаракат қилади. ва кичикроқ ҳажимдаги бозгўйлар билан якунланиб боради. Таснифи Рост уз тузилиши билан "Усмония" кўйига жуда яқин. Унинг пешрав оҳанглари эса жуда кўпгина халқ чолгу қўйларida учрайди.

Таснифи Ростнинг хоналари борган сари юқори пардаларга кўтарила бориб, кейинги 6 - 7 хоналар ҳажим жуда ҳам кенгайиб кетади. Масалан, биринчи хона 16 такт бўлгани ҳолда, еттинчи хона 94 тактга етади. Хоналар кенгайиб бориши билан кўйнинг мазмуни ҳам чуқурлаша боради.

Рост мақомининг босқа чолгу йўлларидан Гардуни Рост оҳанг эътибори билан Таснифи Ростга яқин. Лекин, Мухаммас ва Сақиллар оҳанглари тубдан фарқ етади. Мухаммаси Рост билан Мухаммаси Ушшоқ йўллари бир-бирига оҳангдош. Улар икки турли ладга мослаб олинган битта кўйнинг вариантиларидир.

Мухаммаси Ушшоқ эса, шинавандаларга жуда ҳам яқин куй булиб, қилида чуқур ҳам нозик ҳис-туйғулар уйғотади. Айниқса Ҳоразм намунаси енгилроқ, шұхроқ услубда ижро этилиб, шоду - хуррамлик, хурсандчилик кайғиятини ҳам қўзгатади.

Рост мақомида учта Мухаммас йўллари орасида Мухаммаси Панжгоҳ ажралиб туради. Унинг куй тузилиши ҳам узига хос, босқа мухаммаслардан тубдан фарқ этади. Панжгоҳ ибораси ўн икки мақом мажмуасида маъдум дўъбанинг ифодаси булган ва беш поғонали товушқаторни англатган. Шунинг учун унинг лад асоси ҳам асл мақомдан фарқ этади.

Рост мақомида иккита "Сақил" асари мавжуд. Улар Сақили Вазмин ва Сақили Раг - Раг дейилиб, вазмин ибораси арабча "Сақил" сўзининг узи, Раг - Раг эса ҳиндча мақом маъносини билдиради. Гардун, Мухаммас, Сақил иборалари доира усуллари ифодаси экани айтиб утилган эди. Бу ерда шуни айтиш керакки, номаълум сабабларга кўра Рост мақомида Таржеъ дейилган чолгу қисм учрамайди. Ростнинг чолгу йўллари куй мавзуси узига хос булиб, доира усуллари босқа мақомлардаги қабидир. Уларнинг ҳаммаси жозибали, ёқими, оҳангларга бой. Рост мақомининг чолгу йўллари ижро этилиб, ашула булими йўлларига утилади.

Ростнинг ашула йўллари ҳам куй мавзуси жиҳатдан хилма - хилдир. Улар биринчи ва иккинчи гурӯҳ шўббалардан таркиб топган. Биринчи гурӯҳ Сарахбори Рост, Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Наврузи Сабо шўббалари ва Уфари Ушшоқ қисмидан иборат. Бу шўббалардан кўринадики, Рост мақоми асосий йўллари уч хил куй мавзудаги ашула билардан, яъни Рост, Ушшоқ ва Наврузи Сабо ашула йўлларидан иборат. Рост мақомининг биринчи гурӯҳ шўббалари туркумнинг бош мавзуси булган Сарахбори Рост билан бошланади. Ундан сунг унинг туртта таронаси ўқилади. Ростнинг туркум кейинги шўъса билан уловчи вазиғасини бажарувчи супориш воситаси билан Талқини Ушшоқ шўбасига уланади.

Талқини Ушшоқдан кейин унинг таронаси айтилади. Бу тарона айнан бир вақтда супориш вазиғасини ўтайди ҳамда Насри Ушшоқ шўбасига уланиб кетади. Насри Ушшоқнинг биринчи, иккинчи тароналари ижро этилиб, супориш билан паврӯзи Сабо шўбасига утилади. Унинг кетидан Наврузи Сабонинг талқинчаси айтилиб, Ростнинг сиринчи гурӯҳ шўббалари туркуми Ўзари Ушшоқ ва охирги супориш билан якунланади.

Рост мақоми ашула булимнинг бош мавзуси булган Сарахбори Рост ўзининг куй тузилиши жиҳатдан бетакрор ашулла йўлларидан оулиб, жуда мураккаб қиёғага эга. Сарахбори Рост чолгу муқаддима ва даромад қисми билан бошланади. Сунгра шеър матнисиз ижро этиладиган оҳанглар орқали ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат

қисмига утилади. Миёнхат қисми ҳам шеърий матнисиз айтиладиган оҳанглар билан тоникага қайтиб тушади. Сарахбори Ростнинг тантралчови содда, икки чорак булиб "Музореи мусаммани ахроби макруфи маҳзүф" дейилган вазндан шеърлар билан ижро этилади, яъни Муниснинг:

Қадди қўзим қаро мени ғам тийра ҳол этиб,

Хуршиддек ёруғ ани арзи жамол этиб -

каби шеърлар мос келади. Сарахбори Ростнинг авж қисмиди Сегоҳ, Ушшоқ, Уззол ва Мухайри Чоргоҳ намудлари бирин - кетин ижро этилади. Бу намудлар бир - бирига оҳанглар воситаси билан уланади ашула иули эса, туширим қисми "Фуровард" билан якунланади. Сарахбори Ростнинг мураккаб куй тузилишининг тулиқ англашда мазкур намудларни акрата билиш асосий омилларданdir.

Сарахбори Ростнинг мураккаб куй қиёфаси тингловчига осон этиб боради, кишида юксак лирик кайфиятлар уйғотади, ажойиб манзараларни тасвирлаб, воқеликни мусиқий бадий воситалари билан тушуниради. Намуд, авжлари эса куй мазмунининг рангбаранг булишини таъминлайди ва унинг ривожланишида мұхим ахамият касб этади.

Сарахбори Ростни тинглаш жараённада киши ҳиссиятида жиддий ҳолат юзага келади. Бундай ҳолат эса, тарона қисмларига утилиши билан енгиллашади ва кишида янги ҳис туйғулар ҳосил булади. Тароналар ҳам мақом туркумларидаги куй мавзузининг рангбаранг булишини таъминлайди. Сарахбори Ростнинг биринчи таронаси ўн олти такти мураккаб доира усули жўрлигига ижро этилишига қарамай, енгил ва хушчақчак кайфият уйғотади. Куй ҳаракатида оҳанглар эса равон янграйди. Бу шұғбанинг оошқа учта таронаси янада шұхчанг ва жозибали.

Рост мақомининг иккінчи шұғбаси "Талқини Ушшоқ" деб номланади. Шуни айтиш керакки, Рост мақомида Ушшоқ номи билан машхур бир неча шұғба ва қисмлар мавжуд. Унинг биринчи гуруҳ шұғбаларида яна Насри Ушшоқ ва Уфари Ушшоқ дейилдиган ашула йўллари мавжуд. Уларнинг ҳаммаси бир - бирин билан ҳамоҳанг, куй тузилиши ва таркибий қисмлари ҳам бир хил. Талқини Ушшоқ Насри Ушшоқ ва Уфари Ушшоқ маълум ашула йўлининг Талқин, Наср ва Уфар доира усуllibаридан ижро этиладиган варианtlаридир. Лекин, уларга ўқиладиган шеър ўлчовлари турлича булади.

"Ушшоқ" иօраси арабча "Ошиқ" сўзининг кўплиги булиб Ошиқлар деган маънени англатади. Хеч шубҳа ишқи, Ушшоқ чолғу ва ашула йўллари, уларга айтиладиган шеърлар ҳам ишқий лирик

характерда булган. Ушшоқ шұғбалари өнинг Уфар қисми куй тузилишини тасаввур этиш учун улардан биттасини қараб чиқилса киоя.

Масалан, Насри Ушшоқни олиб қараймиз. Бу ашула иули 6/4 тантралчовидаги доира усули жўрлигига ижро этилиб, "Ҳазажи мусаммани солим" - дейилган вазндан шеър ўлчовида ижро этилади. Насри Ушшоқ Нодиранинг:

Агар гулшанга кирса сарв гулрўйим киром айлаб  
Мурғай сарву гул юз марҳабо бирла салом айлаб -

деб бошланадиган ғазали ўлчовида айтилади.

Насри Ушшоқнинг даромад қисми икки байт шеър билан айтилади, яъни бир хат / бир байт / шеърга мос азула жумласидир. Насри Ушшоқнинг авж қисмиди учта: Ушшоқ, Уззол ва Мухайри Чоргоҳ намудлари мавжуд. Булардан Ушшоқ ва Уззол намудлари қисқа берилган булиб, бу намудлар Мухайри Чоргоҳга ўтишда ўзаро уловчи вазифасини утайди. Азула иули тушурим қисми билан тугалланади.

Насри Ушшоқнинг таркисидаги ҳамма куй қисмлари Талқини Ушшоқ ва Уфари Ушшоқ ашула йўлларида мавжуд. Шу сабабли улар устида аллоҳида тўхталиб ўтирамаймиз.

Насри Ушшоқдан кейин унинг иккита таронаси ижро этилади. Бу тароналар кичик ҳакимдаги жозибали ва ёқимли енгил ашула йўллари булиб, оддий ҳалқ қўликларига яқиндир. Насри Ушшоқнинг биринчи таронаси Хоразмда машхур булган "Ҳануз" алуласининг ўзидир. Хоразм мақомлари таркибидаги эса "Нақша Рост", деб номланади.

Рост мақомининг яна битта шұғбаси Наврӯзи Сабо ашуласидир. Ўтмиш мусиқа рисолаларида Наврӯз байрамига аталган ва наврӯз сўзи иштагиб номланадиган бир неча мақом шұғбалари мавжуд эди.

Улар Наврӯзи Араб, Наврӯзи Коро, Наврӯзи Баётӣ, Наврӯзи Ақам, Наврӯзи Сабо каби аталарди ғаъз ғаъз байрамига нисбат бериларди. Наврӯзи Сабо эса, шундай шұғбалардан бирни сифатида баҳор манзараларини тасвирилайдиган Роҳавий мақомининг шұғбаси саналган. Шашмақомда эса, Рост мақоми таркибига киритилган. Шу сабабли, Наврӯзи Сабонинг куй мавзуи, куй қисмлари Рост мақомининг бошқа шұғбалари матнларидан бутунлай фарқ этади. Ҳатто бунда Рост мақомига хос бўлмаган Наво ва Ораз намудларидан фойдаланганлиги фикриимиз далили була олади. Наврӯзи Сабонинг таъсир этиш кучи ҳам ўзига хос.

Наврӯзи Сабо жуда мураккаб тузилган булиб, унинг бир байт шеър билан айтиладиган хатлари, мазкур ашула йўлининг қуидаги қисмларини ташкил этади:

I - хат - даромад; II - III хатлар - ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат; IV хат - даромаднинг юқори пардалардаги тақори булмиш дунаср; V - VI хатлар - Сегоҳ намуди; VII хат Наво намуди; VIII хат Ораз намудидан иборат. Ашула йули туширим қисми "Фуровард" билан тугалланади.

Наврӯзи Сабо айниқса машҳур мақомдан устоз Ҳалим Ибодов ижросида мароқли чиқарди. Ҳалим Сегоҳ намуди авжини жуда ҳам кенғайтирилган шаклда айтади. Бу ашула йулидан Юнус Ражабий "Фарҳод ва Ширин" мусиқали драмасида Шопур арияси сифатида фойдаланилган булиб, Шопурнинг Фарҳодга садоқати, улардаги чуқур самимий дўстлик туйғулари тұлақонли ифодалай олган эди.

Наврӯзи Сабодан кейин унинг талқинчаси ижро этилади. Шуни ҳам айтиш керакки, биринчи гуруҳ шұబалари таркибида Талқинча дейилга шахобчалар булмайди, балки талқинчалар иккинчи гуруҳ шұబаларига хосдир. Наврӯзи Сабо шұబаси эса, бундан мустаснодир. Наврӯзи Сабо талқинчасининг күй тузилиши асосий шұబанинг йулидан фарқ этади. Унинг кичик булаклари ҳам бутунлай бошқа, катта авж сифатида "Зебо пари авжи келади.

Наврӯзи Сабо талқинчаси ҳам асосий шұба йули каби күй оҳангларга бой, ажойиб ашула йулларидандир. Наврӯзи Сабо асосида жуда күп күй ва ашулалар яратилган. Жумладан, унинг Талқинчаси оҳанглари асосида Тұхтасин Жалилов "Төхір ва Зуҳра" операси учун "Ишқ сели" - деб бошланадиган ария, Комилжон Жабборов эса "Лайли ва Мажнун" мусиқали драмасида қаҳрамонларнинг "Мубтало булдим сенға деб бошланадиган дуэтниң яратган эдилар.

Умуман Ростнинг биринчи гуруҳ шұబалари жуда ҳам машҳур ашула йулларидан. Улар асосида Ўрта Осиёнинг турли воҳаларида Савтлар, уларнинг шахобчалари, Ушшоқнинг тұртта варианти, Гулёри Шаҳноз ва унинг шахобчалари, сурнайда чалинадиган қатор мусиқа асарлари юзага келган эди. Бу шұба ва ашула йулларини купи иккинчи гуруҳ шұబалари жумласига киритилган.

Шундай қилиб, Рост мақомининг биринчи гуруҳ шұబалари Сарахбори Ростдан бошланиб, унинг тұртта таронаси айтилади. Туркүм эса Талқини Ушшоққа уланиб кетади. Унинг таронаси ижросидан сұнг эса Сабо ашылған. Сұнгра унинг иккита таронаси ўқилиб, Насри Ушшоқ ижро этилади. Сұнгра унинг иккита таронаси ўқилиб, Наврӯзи Сабо ва уни талқинчасига ўтилади. Биринчи гуруҳ шұబалари ўғари Ушшоқ ва охирги Супориши билан якунланади.

Рост мақоми иккинчи гуруҳ шұబаларига Савти Ушшоқ, Савти Калон, Савти Сабо киради ва Ростнинг биринчи гуруҳ шұబалари асосида яратилған, уларнинг вариандаридир. "Рост" мақоми иккинчи гуруҳ шұబалари Савт йүлларидангина иборат булиб, уларда Мұғулча учрамайди. Савтлар "Талқин" ва "Наср" шұబаларига назира қилиниб ишланған ашула йуллари экани түғрисида айтиб утилған эди. Лекин Савти Ушшоқ бу Уринда мустаснодир. Әтто унинг лад қиёфаси, күй тузилиши ҳам биринчи гуруҳдаги Ушшоқ шұబаларидан фарқ этади. Масалан, Насри Ушшоқ билан Талқини Ушшоқ ионий ладига мос келган ҳолда, Савти Ушшоқ товушқатори фригий ладига түғри келади. Тоника "Рост" мақомида биринчи октаванинг DО нотаси булиб, Савти Ушшоқда "МИ" ёки "СИ" пардасига түғри келади. Мақомлар ижросида танбурнинг мазкур пардалари Савти Ушшоқ ижроси учун қулагай булиб, тоника "СИ" нотаси бүлгач "ФА" нотаси олдинга диеz қуийш билан товушқатор жұнлаштирилади.

Савти Ушшоқнинг ҳамма шохобчалари ҳам жозибали ва дилрабо ашула йулларидандир. Улар турлича доира усулларига туширилғанда янгича сайқал топади, күй мавзузи үзгача гавдаланади. Айниқса, қашқарчай Сағти Ушшоқ ёрқин иғода воситаларига бой, таъсирчан, мағтункор ашула йулларидандир.

Савти Ушшоқнинг Соқийномаси бошланиши Бухоро Ироқининг Соқийномасини эслатади. Лекин унинг ўрта парда ва авж қиомидаги ашула җумладари Савти Ушшоққа хос янграйди. Савти Ушшоқ уғариси "Фарғонача" хотин - қызлар қүшиғининг үзи. Улардаги тағовут шуки, Ушшоқ уғаридаги авжлар фарғоначада тушириб қолдирилған.

Савти Ушшоқнинг күй оҳанглари, лад асосига мос жуда күп халқ күй **ва** ашулалари маъжуд. Ҳалқимиз орасида мағұхур "Гулузорим" "Фарғонача тановэр", "Тонг отгунча", Хоразм достонларida айтиладиган "Лайлайн" ашуласи, "Азлайман" ва болқа фарғонача құшиқ ва яллалар фикримизнинг далалидир.

Композитор га бастакорларимиз ижодига ҳам Савти Ушшоқ йуллари ғзининг баракали тәъсирини күрсатған. Мұхтор Ашрафийнинг "Дилором" операсидаги Дилором арияси, Дони Зокировнинг Навоий разалиға басталаган "Курмадим" романси, Дағдаали Соатқуловнинг Муқимий разалиға ёзған "Навбахор" романси, Тұхтасин Жалилов басталаган Сир неча ашула йуллари, Ганижон Тошматовнинг "Истадим" каби кишида ажойиб кайфиятлар құзғотувчи мусиқа асарлари Савти Ушшоққа ҳамоқандырылған.

"Рост" мақомининг иккинчи гурухига кирган шұбалаардан бири Савти Сабодир. Савти Сабонинг лад асоси "Рост" мақомининг асосий төвушқаторига мос келади. Савти Сабо Ростнинг биринчи гурух шұбалааридан Наврұзи Сабо асосида ызага келган. Уларнинг орасида баъзи тағовутлар бўлиши табиий бир ҳолдир. Чунки "Савти Сабо "Наврұзи Сабога" тақлид қилиниб ишланған ва қисқартириб олинган. Савти Сабода Наврұзи Сабодаги күйнинг пағона сиљлик ҳаракати сакрама ҳаракатга алмашинган. Уларнинг дастлабки З хати оҳанглари деярли бир хил булиб, Савти Сабода Наврұзи Сабодаги "Сегоҳ", "Наво" ҳамда "Ораз" намудлари урнига "Зебо пари" авқидан моҳирона фойдаланилган. Савти Сабо ва унинг Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Үфар дейилган шохобчаларида бир хил күй қисмлари мавжуд, яъни биринчи хат икки марта тақрорланадиган даромад қисми, иккинчи хат урта пардаларда айтиладиган Миёнхат, учинчи ва туртинчи хатлар Зебо пари авжи ва охирги хат туширим қисмларидан ташкил топган. Савти Сабо йуллари улар асосида ызага келган ашула йуллари орқали ҳам машҳур бўлган.

"Рост" мақоми иккинчи гурух шұбалааридан яна бири Савти Калон дейилади. Бу ерда Калон сўзи бастакор тахаллусидир. Савти Калон ҳам беш қисмли ашула йули булиб унинг шохобчалари Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Үфардир. Савти Калоннинг намуналари Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли воҳаларида кенг тарқалган булиб, улар асосида жуда күп күй ва ашулалар яратилган, чунки Савти Калоннинг тузилиши, күй оҳанглари ҳалқ мусиқа асарлари заминидадир. Улар асосида яратилган Қаландар I - II, унинг вариантлари "Ким десун", "Раққосасидан", "Фарҳод ва Ширин" мусиқали драмасидаги Ширин арияси каби ашула йуллари ҳалқимизнинг севимли мусиқа асарлари булиб келган.

Савти Калон ва унинг шохобчаларининг күй тузилиши, күй ҳаракати ва таркибий қисимлари бир хил. Шу сабабли улар ҳақида умумий тушунча бериб утамиш. Савти Калоннинг икки хати - иккита турли услубда айтиладиган Даромад қисми. Учинчи хат - урта пардаларда ижро этиладиган Миёнхат, туртинчи, бешинчи хатлар - Зебо пари авжи, олтинчи хат эса, туширим қисмларидан иборат.

Савти Калон шұбасини тинглар эканмиз, кишида қандайдир умид ва орзуга эриших ҳиссиятлари акс этади, инсонга хушчақчақ кайғиятлар баҳш этади. Ўнинг бош йули Талқинча ва Қашқарчаси тингланганда, бу ашула күйи кишини гүё мақсадга қараб талпингандек түвлади. Соқийнома ва Ўғари эшитилгандан, беихтиёр поду хуррамлик соғланади, рақсга тақлиф этилгандай сезилади.

Умуман Рост мақоми йулларига мос куй ва ашулалар ҳалқимиз мусиқа меросида муносиб урин эгаллади. Бундай асар мусиқа бойикларимиз олтин жавонидан салмоқли жой олади.

## НАВО МАҚОМИ.

НАВО - Шашмақом мажмуасидаги учинчи мақомдир. Унинг тарихи ҳам узоқ утмиш замонларга бориб тақалади. "Наво" атамаси арабча - ёқимли куй, оҳанг маъноларини билдиради. Бадий адабиётда булбулнинг сайрашини мақтаб, шоирлар булбулнинг навоси, нола чекиши, - дейдилар. Буюк Навоий ҳам уз тахаллусини шу сўздан олган ва "Наво чекувчи, куйловчи" маъноларида қўллаган. Утмиш мусиқа рисолаларида Наво мақоми Нагмаий Довудий, яъни Довуд пайғамбар куйи деб ҳам аталади. Бу ҳақда купгина ағсоналар келтирилади. Довуднинг узи диний ағсоналарда мусиқа рамзи сифатида қаралади. Бир ағсонада нақл қилинишча, гүё Ҳудо Одам Ато танасини тупроқдан яратиб, унга жон киритмоқчи булади. Ғаришталар қанча уринимасинлар, бу ишни уддалай олмабдилар. Жон эса Одамнинг қоронгу қалбига киришга ҳеч унамабди. Ҳудога хабар қилибдилар. Ҳудо шу Одамнинг булаҗак зурриёдидан, Довуднинг инсонлар жони сақланадиган омборида қандайдир идишда сақличаётган руҳни олиб келишини буриби. У гүё идиш ичидан танбурни олиб, Наво мақоми йулларида ажойиб бир ашулани хониш қилибди. Бундан завқланиб, эриб кетган жон одамнинг танасига қандай қилиб кириб қолганини билмай қолибди. Наво мақоми шу сабабли "Нагма Довудий" деб номланган экан. Бундай ағсоналар, мусиқани "ҳаром" - деб, санъат ақлларини хўрлаб, камситган ҳамда уларни таъқиб этган диний ақидаларга қарши тўқилган эди. Бинобарин бу ривоятлар утмиш мусиқа ҳаётида маълум даража да ижобий таъсир кўрсатган. Утмиш мусиқа рисолаларидан маълумки "Наво" ун икки мақом мажмуасида ионий ладига мос келади. Шашмақомда эса, Навонинг асосий йуллари РЕ эолий - ФА ионий ладларига монандидир. Наво мақомининг айрим шұбалари авжиде миксолидий ладида ижро этиладиган ашула қисмлари учраб туради. Мақомлар ижросида етакчи соз ҳисобланган танбур Наво мақомига секундага /соль-фа-соль/ созланиб, мақом төвушқаторининг I - III - IV - V пароналари таянч пардалари ҳисобланади.



Наво мақоми йуллари айниңса танбур ижросида тұлақонли ва жозибали янграйди. Чунки, танбурнинг пардаларини мослаб созланғанда Наво күйларига мувофиқ тушади, унинг жүр торлари күйга ҳам оғанғанда құшимчы товушлар воситаси билан үйгүнлашиб, күйнинг таъсирчанлигини ва янгроқлигини таъминлади, кишида әнгөзик қис - түйгулар үйғотади. Үтмишда Наво мақоми йуллари асосида юзага келган күй ва ашуаларнинг күпі танбур асосида яратылар, ҳамда танбурда үринлатып чалинарди.

Наво мақоми ҳам чолғұ ғана ашула бұлымларидан иборат. Ашула булими әса, биринчи гурух шұғаларидан таркиб топған.

1 НАВОНИНГ чолғұ қисмлари саккизта булиб, Тасниғи Наво, Таржеи Наво, Гардун Наво, Нағмаи Орази Наво, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Баёт, Мухаммаси Ҳусайнин, Сақили Наво - деб номланади. Бу үринде, аввал айтганимиздек, "Тасниғ" ибораси мақомнинг бosh күйи, асари, Таржель - қайтарма оқангларидан иборат күй. Гардун, Мухаммаси Сақил иборалари - доира усулларининг ифодаси, Нағмаи Орази Наво - Ораз таҳаллуси билан машхур бұлған бастакорнинг нағмаси, яғни күйи, Баёт - Үрта Осиёда яшаган қадимий түрк қабиғасынан берилген күй, Ҳусайнин - бастакорнинг таҳаллусини ифодалайды. Наво мақомини бу чолғұ қисмларининг күй оқанглары бир - биридан фарқ этади. Навонинг чолғұ қисмларини тинглар эканмиз, улар никоқ маросимларида сурнайда чалинадиган күйларни өслетади, ҳамда инсонда түй - ҳашамларда хосил бұладиган кайфияттарни үйғотади. Масалан, Тасниғи Наво ва Таржеи Навонинг усул суръатини бироз тезластириб, сурнай, карнай, ноғораларда ижро этилса, сурнай күйларидек садоланади.

Навонинг чолғұ йуллари оқангларга бой, кишида әнзик ҳис-түйгулар құзғата, иған таъсирли күйлардан иборат. Наво мақоми йуллари үзбек ва тоғыз қалқаларининг узоқ үтмиш замонлардан боллаб түплаб келған бой ички мањавиј дүнёсінің ҳаққоний равишда акс этирадиган мусика дурданаларидандыр. Наво мақомнинг чолғұ қисмлари түрли дисиа усулларыда ижро этилсада, түркүм тарзыда чалинганда улар сир - бирининг бевосита давомидек түрлади.

Наво чолғұ йулларыда асосий лад - тоналлик сақлансада, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Ҳусайнин, Сақили Навода баъзи узғарыштар содир бұлади. Лекин Навонинг асосий күй мавзұл қыно мақомига хос рұхий ҳолат ҳамма чолғұ йуллари бүйлаб сақланиб қолади. Наво оқанглары турлы чолғұ қисмларыда ҳар хил намоён бұлғып туради. Баъзи чолғұ йуллари, масалан, Нағмаи Орази Наво, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Ҳусайнин, Сақили Наво, мақом бошланадиган тоникага күра әкени пардалардан бошланған утун, алохиде ижро этилғанда, болжа қуйнинг давомидек түрлади. Еу нареа мазкур чолғұ йуллари түркүм тарзыда ижро этишга мұлжалланиб яратылғанын күрсатади. Масалан, Мухаммаси Ҳусайнинин тинглаганда шундай ҳолатни күр-амиз.

Наво мақоми чолғұ қисмлари асосида аңчагина чолғұ күйлары, жуілдан сурнай күллари яратылған бұлғып, улар Наво күйлары ва "Сурнай Наво йуллари" дейилади. Бундай күйлар Навонинг халқ орасыда жуда ҳам машхур бұлғып кетишига сабабчи бұлған зди.

НАВО мақоми ашула булимининг биринчи гурух шұғалары Сарахбор, Талқин, учта Наср ва битта Үфар қисмларидан таркиб топған.

Наво мақомнинг биринчи гурух шұғалары - Сарахбор Наво, Талқин баёт, Наср шұғалари - Наср баёт, Орази Наво, Ҳусайнин Наво - деб номланади. Уларнинг күлчилиги бир нечтадан тароналар - га зга. Бу тароналар шұғалар асосий жүлларидан кейин ижро этилб, иирик шактады мұраккаб азуалар айттылғандан кейин ҳосил бұладылған жиғдій кайфияттің енгилләтириб боради ва баъзи тароналар бир туғадан иккінчесінде үләніб, мақом йулларининг түркүм тарзыда ижро этилишида үловчи /супориши/ вазиғасини ҳам үтайды.

Мазкур мақом Сарахбори Наво шұғасыдан бошланади. Уннинг күй түзилиши жуда мұраккаб, дүнга қарамай, уни тинглаганда ииши-кишида әнзик лирик қис - түйгулар үйғотади ва үнга катта шавқ-зашқ бахш этади.

Сарахбори Наво чолғұ муқаддима ва бир байт шеър билан айтладылған биринчи хат - даромад қасми билан бошланади ва шеър матнисиз айтладылған оқанглар билан яқунланади. Иккінчи хат үрта пардаларда ижро этилиб, биринчи мисра шеър иккита азула жумла-ларыда тақорланади ва иккінчи мисра шеър үцилиб, тоника, яғни "Фа" пардасынан қайтади. Иккінчи ҳат ҳам шеър матнисиз "Ҳай ёра, эй ёра" каби ундов сұзлар билан ижро этиладылған оқанглар билан яқунланади. Сарахбори Навонинг учинчи хати Орази Наво шұғасы

бошланыш қисмидан олинган Ораз намуди авж сифатида фойдаланган ашула қисми, унинг түртинчи ва бешинчи хатлари эса Наво намуди, яни Навонинг маълум кўринишни авж таризида фойдаланилган шаклидир. Ораз намуди ҳам ҳанглар билан айтилиб, фуровард, яни /туширим/ қисмига уланиб кетади.

Сарахбори Наво 2/4 такт улчовидаги "бак - бум", бак, бум" каби талаффуз этиладиган доира усулида ижро этилиб, Музореъ вазнидаги шеърлар туридан Саккокийнинг:

Сентек жаҳонда кўзлари айни бало қани,  
Ментек анинг балоси бирла мубтало қани? -

деб бошланадиган Газалига мос ўлчовдаги шеърлар билан ўқилади.

Сурнай Наво йулларидан хабардор киши, ҳар қандай узгарышлар билан айтилмасин, бошқа куйлар таркибида уни ажратиб олиши қийин эмас. Наво намуди турли кўринишларда куй ва ашулалар авжидага бирдек оҳангдор ва жозибадор янграйди, тингловчини нозик ҳис туғулар ва эзгу ҳаёлларга чўмдиради.

Масалан, "Абдураҳмонбеги" ашуласи авжидаги Наво намудини олиб қаралса кифоя. Наво намудини устозлардан Ҳожи Абдуллазиз, Ота Фиёс, Домла Ҳалим, Леви Бобохонов, Уса Шоди Азизов каби мақомдонлар жуда ҳам зўр ихтиро билан айтардилар ва узлари ижро этиладиган ашула йулларида фойдаланишга ҳаракат этардилар.

Сарахбори Наводан кейин унинг иккита таронаси ижро этилади. Улардан биринчиси турли ўлчовдаги маълум вазнга мос келувчи ёки арузга түфри тушмайдиган тоҷик ҳалқ шеърлари билан ижро этилади. Иккичи таронаси эса биринчи таронанинг бевосита давоми сифатида янграйди. Сарахбори Наво тароналари ижро этилиб, талқин усулида айтиладиган "Супориш" орқали Талқини Баёт шўъбасига утилади. Талқини Баёт, Насри Баёт ва Уфари Баётга ҳамоҳанг ҳамда улар маълум Баёт ашула йуланинг талқин, наср ва уфар доира усулларида ижро этиладиган турли кўринишларидир. Уларнинг таркибида даромад, ўрта пардаларда айтиладиган миёнхат, баёт оҳангларининг юкори пардаларидаги тақрори /дунасри/ ёки Баёт намуди ва тушурим қисмлари мавжуд. Мазкур ҳамоҳанг ашула йулларидан Талқини Баёт ва Уфари Баёт "Рамали мусаммани маҳзуф" дейилган вазнидаги Газаллари билан ижро этилади:

Оташин гул баргидин хильятки жононимдадур,  
Хильят эрмас, ул бир утдирким, менинг жонимдадур.

Насри Баётга айтиладиган шеърлар "Ҳазажи мусаммани солим" улчовида яни:

Рафиқо, менга бир дам дўстлиг расмини бунёд эт;  
Ки мен бордим узимдин, ёр агар келса хабардор эт.

Талқини Баётнинг асосий иули ижро этилиб, унинг таронасига утилади. Шу шўъба Насрлар доира усулидаги "супориш" воситаси билан Насри Баёт шўъбасига уланиб кетади. Насри Баёт, Талқини Баётнинг ритмик варианти булсада, узига хоҳ янграйди. Ашула иули наср усулида янгича оҳанг, бошқача куй ирода воситалари касб этади. Ўзининг сөхирли оҳанглари билан эштутувчига завқ барилайди. Насри Баётни тахлил этиб тинглаб кўрилса ёкиримизнинг далили булади.

Насри Баётнинг таронаси 3/4 такт ўлчовидаги доира усули журлигига ижро этилади. Бу ашула иули ўтмишда Накши Наво ёки Накши Баёт, - деб ҳам аталган. Накш ибораси "Накш", "безак" иаъносида мақом шўъбаларига боргланадиган, тароналарга кўра йирикроқ шаклдаги ашулаларни ифодалаган. Дарҳақиқат бу нақш иули Насри Баётдан кейин тингланса, кишида ҳосил сўладиган жiddий кайфият ёнгиллашади, у қандайдир нозик ҳис - туйғуларни юзага келтиридан ган район адула иулини тинглаб, ором олади. Таронаи Баёт ўрта осиёнинг туғли роҳаларида жуда кенг тарқалган. Тошкент ва Фарғонада машхур булган Баёт туркумидаги "Баёт ижки" деб иомланиб, ҳофизлар тамонилан турли услубларда айтилиб келинганди. Шу ашула иули таъсирида бастакорларимиз ўнлаб ашулалар яратганлар. Тухтасин Ҳалиловнинг "Богаро", "Эй кунгул", Комилжон Жабборовнинг "Келдик", "Лаззора қил", Ҷус Рахабийнинг "Кошки" каби ашулаларини кўрсатиб утил кифоя.

"Таронаи Баёт" айтилгандан кейин, туркум кейинги шўъбага уловчи вазифасини ўтайдиган супориш орқали Орази Навога уланиб кетади. Орази Наво "Наср" дейилдиган шўъбалар жумласидан булиб, унинг доира усули ва шеър. улчови Насри Баётдаги кабидир. Орази Навонинг куй мавзуи ва қиссий таъсир кучи Навонинг бошқа шўъбаларидан бутунлай фарқ этади. Уни тингларанда, жасоратбахш кайфиятилари ўйғонади. Бундай ҳоллар "наср" шўъбаларининг ҳаммасига ҳам ҳос, Чунки "наср" сўзи "Кумак", "Зафар" маъноларини билдириб, мазкур ибораларга матьнодош.

Орази Наво ҳам даромад қисми билан бошланади. Унинг кейинги иккича байт шеър билан ўқиладиган иккича хати ўрта пардаларда ижро этиладиган миёнхат, түртинчи хати - Баёт намуди, авжи

У - VII хатлар бир неча күренишларда тақрорланадыган Ораз намуди ва охирги хат - даромад жумлаларига үхшаш туширим қисмларидан таркиб топган. Орази Навонинг, айниңса унинг асосида яратилган Ораз намуди тингланганда, уни бошқа мақом иўслари таркибида осон ажратиб олиш мумкин. Чунки Ораз мавзуидаги ашула жумлаларida "Бер-эр, ёрей" дейилган сөзлар билан үқиладиган оҳанглар айтилади.

Орази Наводан кейин унинг учта таронаси үқилади. Уларнинг биринчиси 3/4 тант үлчовидаги доира усулида, иккинчиси - Соқийнома доира усулида, учинчиси - Талқин доира усулида ижро этилади. Бу тароналар бир - бирининг күренишлари бўлсада, турли кайфият бахш етубчи енгил ашула йулларидек эштилади ва турли бўёқларда тараннум этилади. Орази Наво тароналари ҳам чуқур лирик ҳис-туйгулар билан сугорилган. Доира усули узгара бориши билан ашула йуллари янги тусга кира боради ва туркумнинг ранг-баранглигини таъминлайди.

Орази Наво тароналари айтилгандан сунг мақом туркуми супориш қисми орқали Ҳусайнин Наво шўъбасига уланиб кетади.

